

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Магистратура бўлими

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 33.46.575.141

Қодирова Камола Эшонқуловна

**«Иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида миллий
хунармандчиликни ривожлантириш йўналишлари
(Қашқадарё вилояти мисолида)»**

Мутахассислик: 5A230102 - Иқтисодиёт (ижтимоий-иқтисодий соҳа)

Магистр

**академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар:

_____ и.ф.д., проф. Р.Х.Эргашев
« ____ » _____ 2014 йил

Қарши – 2014

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I-боб. Иқтисодий диверсификациялаш шароитида миллий хунармандчиликни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асослари	9
1. Ўзбекистонда миллий хунармандчиликни ривожлантиришнинг тарихий негизлари	9
2. Миллий хунармандчилик тараққиётида ўзбек ва хориж давлатларининг тажрибалари	16
3. Миллий хунармандчиликнинг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асослари	23
I-боб бўйича хулоса	31
II-боб. Мамлакатда миллий хунармандчиликни ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати	33
1. Қашқадарё вилоятида миллий хунармандчиликни ривожлантириш тенденцияси	33
2. Миллий хунармандчиликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш	45
3. Миллий хунармандчилик фаолиятини давлат томонидан йўлга солиш ва уни қўллаб-қувваталаш чора-тадбирлари	55
II-боб бўйича хулоса	64
III-боб. Иқтисодий диверсификациялаш шароитида миллий хунармандчиликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари	65
1. Миллий хунармандчиликнинг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари ва омиллари	65
2. Миллий хунармандчилик маҳсулотлари бозорини ташкил этиш ва ривожлантириш	75

3. Миллий хунармандчиликни ривожлантиришнинг асосий	
йўналишлари	83
III-боб бўйича хулоса.....	91
Хулоса ва таклифлар	93
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	98
Иловалар	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатни модернизациялаш шароитида иқтисодиёт тармоқларини диверсификация қилиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Президент Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек: “2012-йил давомида мазкур дастур доирасида олтита муҳим қонун, жумладан, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, янги таҳрирдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар, шунингдек, рухсат бериш тартиб-тамойилларини соддалаштириш, солиқ ва статистик ҳисоботларни қисқартиришга қаратилган қонун ҳужжатлари ва норматив актлар мажмуаси қабул қилинди”. Шу нуқтаи назардан иқтисодиётни диверсификациялашда ҳамда аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда миллий хунармандчиликни ривожлантириш орқали мамлакат аҳолиси фаровонлиги юқори бўлиши кўзда тутилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Ишбилармонлик – бизнес юритиш учун амалий қулай шароит туғдириб бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш реал иқтисодиётни ислоҳ этишнинг навбатдаги энг муҳим йўналишига айланмоғи зарур.

Сўнгги йилларда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бизнес юритиш, иқтисодиётимизга маҳаллий ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун зарур шароит ва қулай муҳит яратиш борасида биз улкан ишларни амалга оширдик”¹.

¹ Каримов А.И. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади // Халқ сўзи. – 2014 йил 18 январ.

Ушбу масала юзасидан мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида тадбиркорликнинг барча кўринишларини, жумладан миллий хунармандчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур муаммонинг ечими, аввало тадбиркорлик фаолиятини тубдан инновацион янгиланишини талаб этади. Бу ўз навбатида мамлакатимизга жалб этилаётган инвестиция жараёни ҳамда иқтисодий ислохотлар орқали тадбиркорликни такомиллаштиришни тақозо этади. Бу эса янги инновацион манбаларни соҳага киритиш лозимлигини билдиради. Бунда миллий хунармандчилик тизимини такомиллаштириш механизминини ишлаб чиқиш, уни ислох этиш ва инновацион жараёнини янада самарали хизмат қилишини таъминлашни талаб этади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Миллий хунармандчиликни ривожлантириш масалаларини ўрганишда кўпгина таниқли хорижий ва маҳаллий олим ва мутахассисларнинг назарий ҳамда методологик изланишлар олиб боришган ҳамда уларнинг илмий асарлари чоп этилган. Жумладан, хорижий олимлардан А.Смит, Й. Шумпетер, Ж.Б.Сей, А.Б.Чаянов, К.А.Раицкий, И.А.Журавлева, А.П.Киселев каби иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган.

Ўзбекистонлик олимлардан С.С.Ғуломов, М.С.Қосимова, Б.Ходиев, М.Қ.Пардаев, А.А.Абдуллаев, Д.Суюнов, С.К.Салаев, Б.А.Абдукаримов, Ғ.Ҳ.Қудратов, Э.Н.Хаджаев, Г.С. Севликянц, Р.Х.Эргашев, Ш.Ш.Файзиева, И.Э.Турсунов, А.Б.Қурбонов кабиларнинг илмий ишларида ҳам тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши ва самарадорлигини оширишнинг айрим жиҳатлари атрофлича ёритилган. Аммо бу ишларда айнан миллий хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг йўналишлари ҳамда ташкилий-иқтисодий механизми батафсил ўрганилмаган. Бу эса ушбу магистрлик диссертациясининг мавзусини танлаш учун асос бўлди.

Магистрлик диссертациясининг мақсади ва вазифалари. Ушбу магистрлик диссертациясининг мақсади - иқтисодийни диверсификациялаш шароитида миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш йўналишларини таъминловчи илмий - назарий ва услубий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда инновацион ғоялар асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишга қаратилган.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги асосий вазифаларни бажариш лозим:

- иқтисодийни диверсификациялаш шароитида миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва объектив зарурлигини асослаб бериш;
- миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришнинг илмий-назарий асосларини асослаш;
- миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришнинг самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш;
- миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришга таъсир этувчи ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий омилларини аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш йўллариини ишлаб чиқиш;
- миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширишга доир илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришнинг самарадорлик кўрсаткичларини ошириш орқали янги иш ўринларини яратишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш имкониятларини очиб бериш;
- миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришнинг истиқбол кўрсаткичларини математик моделлаштириш орқали ишлаб чиқиш.

Магистрлик диссертациясининг объекти бўлиб, Қашқадарё вилоятида миллий ҳунармандчилик асосида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади.

Магистрлик диссертациясининг тадқиқот услублари. Тадқиқот услубларини монографик, ҳисоб-китоб конструктив, иқтисодий-статистик, киёсий таҳлил, SWOT-таҳлил ва шу кабилар ташкил этади.

Магистрлик диссертациясининг предмети. Қашқадарё вилоятида миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришда ва унинг иқтисодий самарадорлигини оширишда юзага келадиган иқтисодий муносабатлар тизими магистрлик диссертациясининг предмети ҳисобланади.

Магистрлик диссертациясининг назарий ва услубий асосларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича мамлакатимиз ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари ҳамда интернет тармоғи сайтларидан худди шу мавзу юзасидан олинган маълумотлар ташкил этади.

Мазкур тадқиқот муаммолари бўйича Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, меъёрий ҳужжатлари, Президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Қашқадарё вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари, Қашқадарё вилоят туманлар ҳокимияти иқтисодиёт ва статистика бўлимлари маълумотларидан фойдаланилди.

Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистонда миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилди;
- миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари ўрганилди;
- миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришнинг самарадорлик кўрсаткичлари баҳолаб чиқилди;
- миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришга таъсир этувчи ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий омиллари аниқланди;

- миллий хунармандчиликни ривожлантиришни давлат томонидан йўлга солиш ва уни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширишга доир илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди;
- миллий хунармандчиликни ривожлантириш орқали янги ишчи ўринларининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришга доир илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди;
- миллий хунармандчиликни ривожлантириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқилди.

Магистрлик диссертациясининг амалий аҳамияти шундан иборатки, Қашқадарё вилояти мисолида иқтисодиётни диверсификациялаш жараёнида миллий хунармандчиликни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга доир назарий-амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш орқали диссертациянинг янгиликларини вилоят тадбиркорлик субъектларига амалда тадбиқ этишга эришилади. Унинг асосий натижаларидан эса олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқув дастурлари доирасида фойдаланиш мумкин.

Магистрлик диссертациясининг тузилиши ва ҳажми. Ушбу магистрлик диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан, жами ____ бетдан иборат бўлиб, диссертацияда ____ та жадвал, ____ та диаграмма, ____ та график ва ____ та чизма келтирилган.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, унинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, илмий янгилиги ҳамда олинган натижаларнинг амалий аҳамияти ўз ифодасини топган.

I-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ ХУНАРМАНДЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ўзбекистонда миллий хунармандчиликни ривожлантиришнинг тарихий негизлари

Халқ хунармандчилиги қадимий санъат турларидан бири бўлиб, Ўрта Осиё, Эрон, Туркия, Арабистон, Афғонистон ва бошқа Шарқ мамлакатларида кенг ривожланган. Айниқса, Ўрта Осиёда яратилган асарлар ўзига хос бадиийлиги, композицияси ва ишланиш услуби билан фарқ қилади.

Ҳозирги кунда халқ хунармандчилиги серқуёш Ўзбекистонимизда ардоқланиб авайлаб, муҳофаза қилинаётган кўпгина ёдгорлик обидаларига кўркамлик, гўзаллик бахш этиб турибди. У Самарқанд Бухоро, Хива, Қўқон, Марғилон, Тошкент, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларда ўз аксини топган. Ота-боболаримиз қадимий обидаларни нафис нақшлар билан безар эканлар, завқ олиш билан бир қаторда улар орқали ўз орзу-умидларини, муҳаббатларини, тилакларини куйлаганлар. Наққош ота-боболаримиз инсон руҳиятини жуда чуқур ва ҳар тарафлама ўрганиб, уйларни ажойиб нақшу-нигорлар билан бойитганлар. Нақшланган уйда кишилар хотиржам руҳий осойишталик оғушида бўлиши, узоқ умр кўришини донишманд боболар асрлар давомида ҳаётий тажрибалар асосида илғаганлар. Кекса усталарнинг айтишича, қадимда наққошлик санъати шунчалик ривожланган эканки, улар чизган ёки бўяган нақшлари орқали бир-бирлари билан унсиз овозда гаплаша олар эканлар.

Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Алишер Навоий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Низомий Ганжавий, Носир Хисрав, Комолиддин Бехзод каби жаҳонга машҳур олим, шоир ва наққошлар биноларимизни кишилар ҳаёлини ўзига тортувчи табиатнинг

гўзал манзараларига монад нақшлар билан безашга чақирганлар. Кишиларни гўзаллик билан яқин дўст, биродар бўлишига ундаганлар. Чунончи, Самарқанднинг эски шаҳар маркази, яъни Регистонда савлат тўкиб турган Шердор мадрасасини қурдирган Ялангдўштий Баҳодир меъмор Абдул Жаббор олдида ҳеч бир нарасада ўзининг улуғ аجدодларидан қолишмаслигини нақшлар орқали халққа етказиш вазифасини қўйган. Санъат калитини эгаллаган машҳур меъмор ўз олдида қўйилган фалсафий фикрни нақш тили билан халққа унсиз овозда етказа билган.

Ганж ўймакорлиги санъати асрлар давомида ўзига хос услуб билан ривожланиб келган. Бу санъатнинг энг қадимги, ўрта асрлардаги ва XX-асрдаги ривожланишини кўздан кечириб ўрганиб чиқсак, бу даврлардаги ганч ўймакорлиги бир-биридан анча фарқ қилади. Қадимги ганч ўймакорлиги ҳажмий бўлиб, реалистик тасвирлар асосида ишланган. Уларда кўпгина одамлар, ҳайвонлар, қушлар тасвири ишлатилган. Эрамининг биринчи асрларидаёқ кишилар ганчни ажойиб хусусиятга эга эканлигини билиб, қалъалар, карвонсарой ва бошқа жойларни безай бошлаганлар. Бўлиб ўтган жанрлар оқибатида улар вайронага айланиб, фақат қолдиқлари сақланиб қолган.

III-асрда Тупроққалъанинг серҳашам Сарой меҳмонхоналари ўймаганч билан безатилган. Варахшадаги топилмалардан VII-VIII-асрлардаги Бухоро саройи қолдиқлари намуналари топилган. Бу топилмаларда қушлар, ҳайвонлар, балиқлар, ўсимликсимон ва геометрик шакллarning ўйма намуналарини кўриш мумкин. X-XI асрларда наққошлик, ёғоч, тош ва ганч ўймакорлиги янада ривожланган. Мураккаб абстракт тасвирни аск эттирадиган нақшлар пайдо бўлган.

XII-асрда ганчкорлик санъати янада юксалди. Бунга Афросиёбда топилган ажойиб ганч ўймакорлиги ишлари мисол бўла олади. Ганчкорликнинг гуллаб яшнаган даври, яъни XVIII-асрнинг охири, XIX-асрнинг бошларида буюк ганч ўймакорларидан Абдурахим Ҳаётов, уста Мурод, уста Фузайил, уста Носир, уста Хайём Носиров, уста Ҳожи Ҳофиз,

уста Нуриллобой, уста Абдужалил, уста Азим, уста Омонулло, уста Ғофир, уста Иброҳим, уста Сарви, уста Абдуфаттоҳ ва бошқалар фаолият кўрсатганлар. XX-аср бошларида рангли ганчлар, бўёқлар, нақш ва тасвирлар қўлланила бошланган.

1913-1914 йилларда Бухора амири Аҳадхон томонидан «Моҳи Хоса» саройи қурилди. У ганч ўймакорлиги билан безатилди. 1937 йилда Парижда “Санъат ва техника ҳозирги кунда” номли кўргазмада 2 та кумуш медаль ва битта олтин медаль билан мукофотланди. 1947 йилда Тошкентда меъмор А.Мухамедшин бошчилигида “Курант” биноси қурилди. Бу бинони безашда Уста Ширин Муродов катнашди.

Ўзбекистонда ўзига хос ганчкорлик мактаблари мавжуд. Шулардан бири Хоразм ганчкорлик мактабидир. Хоразм меъморчилигида геометрик нақшларга кенг ўрин берилган бўлиб, улар бошқа вилоятларга қараганда ўзига хослиги билан ажралиб туради. Айниқса, ўсимликсимон нақшлар спирал шаклида айланма ҳаракатланганлиги, динамиклиги билан фарқ қилади. Рўзимат Машарипов, Каримберган Раҳимов, Каримберган Полвонов, Юсуф Худойберганов, Бекжон Ёқубов, Одамбой Бобожонов, Одамбой Ёқубов кабилар Хоразм ганчкорлик мактаби намоёндаларидандир.

Ўзбек миллий нақш усуллари қуйидагилардир:

1. Геометрик нақш.
2. Ислимий нақш.
3. Қуш ва ҳайвонларнинг рамзлари.

XX-асрнинг 90-йилларидан бошлаб, нақш усталари ижодий марказ ва уюшмаларга бирлашган ҳолда ижод қилмоқдалар. Айниқса “Уста”, “Мусаввир”, “Хунарманд” уюшмалари усталари ижоди диққатга сазовордир. Наққошлик кенг тараққий этган бўлиб, наққошлар янги қурилаётган иншоотларда ҳамда маданий ёдгорликларнинг таъмирида фаол иштирок этмоқдалар. Бевосита уларнинг иштирокида “Оқсарой” қароргоҳи, “Олий Мажлис” биноси, “Темурийлар” тарихи давлат музейи,

“Туркистон” концерт зали, “Ўзбекистон консерваторияси” биолари безатилган.

Уста наққошлардан М.Тўраев, А.Илҳомов, С.Маҳмудов, К.Шоисломов, Х.Нуралиев, С.Шукуров ва бошқалар нақш ривожига катта ҳисса қўшганлар.

Нақш буюмлари билан усталар хориж кўргазмаларида ҳам фаол катнашдилар. Малакали наққош усталар қадимдан уста-шогирд усулида тайёрланган. Ҳозирги кунда ҳам шу усулда наққош усталар тайёрлаш йўлга қўйилган. Шунингдек, махсус таълим муассасалари, касб-хунар коллежлари, бадий марказларда ҳам нақш бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Ўзбекистонда олти-саккиз қиррали столлар, қутичалар, трюмо, ойна, карниз ва бошқа турли буюмлар нақшланади. Нақшдаги асосий безак тузилишлари табиатдаги япроқ, новда, гул, ғунча, куртак, лола, нок, қалампир, бодом, катта япроқ ва поялардан шартли равишда олинган элементлардир. Нақшларнинг ўз қонуни, таркибий қисмларнинг ўзига хос тузилиши ҳамда рангдор асоси бор. Ҳар бир нақш алоҳида қайтарилувчи шакллардан иборат бўлиб, уларнинг ўзаро уйғун боғланиши нақш мавзусини белгилайди. Халқ усталари ижодида қуйидаги нақш гуруҳлари кўп қўлланилади.

Ислимий, грих, мураккаб ислимий, эгри-чизиқли ўсимлик таркибий қисмдан иборат нақш. Грих тўғри чизиқли қисмлардан ҳосил қилинган геометрик шаклдаги нақш. Мураккаб гулли грих-ислимий ва грих таркибий қисмлари чатишмасидан иборат нақш.

Қуйидагилар энг оддий нақш элементлари ҳисобланади: барг, бодом, учбарг, барглигул, шобарг, юлдузча гул, кўпбаргли гул, пахта гул, 4-5-6 қанотли гул, баргли гажак гул, жингалак, қўшбанд ва бошқалар. Нақш гуруҳи учун сифатли расм дафтари, альбом ва оқ “ватман” қоғози ва юмшоқ, ўрта юмшоқ қора қаламлар, оқ ва кўк ўчирғичлар, учбурчакли ва тўғри чизғичлар, циркул керак бўлади.

Нақш турли хил материал ва юзаларга ишлатилиши мумкин. Ёғоч буюмларни нақшлаш учун қуйидаги асбоб-ускуналар ва материаллар керак бўлади: ёғоч шпателлар, жилвир қоғоз, бўр, писта кўмир, синка, дока, хитой қоғози, игна, алиф, елим, куруқ кукунли бўёқлар, олтин ва кумуш кукунли бўёқлар, лак, мўйқаламлар, муштабел ва идишчалар. Нақш ишлаганда асосан қайин, қора қайин, терак, карағай, нок, ёнғоқ дарахтлари танланади.

Ўзбек миллий каштачилиги амалий санъатнинг энг қадимий турларидан бўлиб, у халқнинг ўз турмушини гўзал қилиш истаги натижасида юзага келган. Каштачилик санъати нафақат мамлакатимизда балки, чет элларда ҳам шуҳрат қозонган.

Ўзбек халқ усталари қўллари билан тикилган сўзана, зар девор, гул кўрпа, чойшаб каби турли хил нақшли буюмлар мамлакатимизнинг фақат хонадонларида эмас балки, музейларда ҳам экспозицияга айланиб қолган.

Ўзбек каштачилиги қўшни халқлар каштачилиги таъсирида бойиди ва ривожланди. Каштачилик кийимлар ва буюмларни безашда ҳамда уй-рўзғор безак буюмлари тайёрлашда қадимдан қўлланилиб келмоқда.

Каштачиликнинг махсус турларидан бири аппликациядир. Аппликация-лотинча “ёпиштириш” деган маънони билдириб, газлама, қоғоз ва бошқа материалларга тикиш йўли билан безак бериш демакдир.

Аппликация каштачиликнинг махсус тури бўлиб, у ўзига хос технологияга эга. Асосий матога рангдор мато парчасини, чарм ва бошқа матога рангдор мато парчасини ва бошқаларни қадаб, атрофи чокланади.

Ҳозирги вақтда кўпинча болалар пальтоларида, кўйлакларида, бош кийимларида, ҳар-хил қуш, мева, гул ва ҳайвонлар тасвири аппликация усулида чокланади. Ўрта Осиёда каштачилик кенг тарқалган. Каштачиликда мато, кигиз, чарм, картон, зиғир, жун, ипак, суъий иплар, зар иплар, майин сим, хом чармдан тайёрланган тасмалар, мунчоқлар, маржон, металл, пулакча, қимматбаҳо табиий ва сунъий тошлар ва материаллар ишлатилади.

Каштачиликнинг ўзига хос иш қуроллари мавжуд бўлиб, улар турли вазифаларни бажаради. Каштачилик турли рангли ипак ва зар ип билан игна илмоқли бигизда ҳар-хил матоларга майда гул тикишдир.

Тарихчиларнинг берган маълумотларига қараганда, камида 32 хил хунармандчилик касби билан машғул бўлган аҳоли яшайдиган ҳудудларни шаҳар типига киритганлар².

Бизнинг давримизга келиб, катта-катта шаҳарлардаги аҳолининг кўпчилик қисмини хунармандлар ташкил этмокда. “Хунар-хунардан унар” қабилида ёшларимиз учун махсус касб-хунар коллежлари ва бошқа турдаги ўқув юртларининг ташкил этилиши ҳам асосий омиллардан бирига айланиб келмокда. Бу масалада давлатимиз олиб бораётган ижтимоий-маиший турмуш тарзимизни юксалтиришга қаратилган ишларнинг моҳиятини баҳолаш анча қувонарли ҳолдир. Ҳозирда хунармандлар шаҳрига айланган Марғилон, Қўқон, Риштон, Самарқанд, Ургут, Қарши, Термиз, Бойсун, Бухоро, Гиждувон, Шаҳрихон, Наманган ва бошқа ўнлаб туман ва қишлоқ марказларининг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ўзининг ноёблиги, чидамлилиги ва бошқа сифатлари билан халқимизнинг маиший турмуш маданиятига сармоқли ҳисса қўшмокда. Бизнинг давримизга келиб, юқорида қайд этганимиздек, ўзбек халқи хунармандчилиги миллий маданиятимизнинг таркибий қисми ҳисобланиб, ўзига хос бўлган хусусиятларга эгадир. Ўтган замонларда ўтроқ ўзбек халқи нафақат қўшни элат ёки мамлакатларнинг маҳсулотларини истемол, яъни харид қилиб келган, балки улар учун ҳам заруратга айланган хунармандчилик маҳсулотларини етказиб беришга ўз имкониятларини сафарбар қилганлар. Шунинг учун ҳам маҳаллий усталар кўплаб тери ва жундан, ёғоч ва металдан, пахта ва ипакдан тайёрланган ноёб тур ва сифатларга эга бўлган маҳсулотларни, ташқи бозорларда толалардан бичилган буюм ҳамда матолардан тикилган кийим-кечак маҳсулотларини сотиб келганлар. Албатта бундай манфаатли савдо-сотиқ алоқалари

² И. Жабборов. "Ўзбек халқи этнографияси". 114 б.

маҳаллий ҳунарманд-косибларнинг моддий ҳамда касбий салоҳиятини оширишда етакчи омил бўлиб хизмат килиши билан бирга ўзга юрт ва элатларнинг маданий-маиший турмуш маданиятини ўрганишга, керакли ҳолаларда улардан ҳам ўзлари учун зарурат бўлган анъана ҳамда амалий санъат намуналаридан фойдаланганлар. Ташқи ва ички бозор муносабатларини ўзлаштириш шароити маҳаллий ҳунармандларнинг самарали меҳнатини такомиллаштиришга катта ёрдам бериб келган. Ҳунармандлар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларини бозорларда нақд пулга сотибгина қолмай, балки ғалла ёки ўзига зарурат молга алмаштириб-бартер усулида ҳам айирбошлаб, турмуш маданиятини юксалтиришга ҳаракат қилганлар. Бундай усуллардан кўпинча уй ҳунармандлари - ип йигирувчилар, тўқувчилар, кигиз босувчилар, айниқса гилам ҳамда полос туқувчилар кўпроқ фойдаланганлар.

Бундай усулларни қўллаш ва ундан унумли фойдаланиш Туркистон ўлкасининг кўпчилик шаҳар ва қишлоқларида янгидан-янги бозорларнинг ташкил этилишига, ташқи савдо алоқаларининг янада кучайшига олиб келган. Айниқса бундай шароитлар хонликлар бошқаруви даврида ҳунармандчилик моллари карвонлар воситасида узоқ ўлкаларга жўнатилиб турилган. Русия, Ҳиндистон, Хитой, Афғонистон ва бошқа ўлкаларга юборилиб турилган моллар ўз вақтида сотилиб, уларнинг ўрнига бу ўлкалардан ҳам маҳаллий халқ эҳтиёжи учун зарурат бўлган моллар олиб келинган. Бундай халқлараро савдо муносабатлари, юқорида ҳам таъкидлаган эдик, маҳаллий ҳунармандларнинг касбий даражасини янада такомиллаштиришга, янгидан-янги услуб ва шаклларда, ноёб нусхаларда маҳсулот тайёрлашга ва ниҳоят рақобатчилик асосларининг таркиб топишига олиб келган, шу билан бирга маҳсулотларнинг сифат даражасини янада мукаммаллаштирган. Кўриниб турибдики, бундай савдо-сотик алоқалари халқлараро моддий-маданий яқинлашувга асос бўлган.

1.2. Миллий ҳунармандчилик тараққиётида ўзбек ва хориж давлатларининг тажрибалари

Ҳунармандчилик - бу соҳа ва у оддий меҳнат қуроллари ёрдамида хом ашёдан турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш касбидир. Тарихимиздан маълумки, йирик саноат ишлаб чиқариши вужудга келгунга қадар кенг тарқалган, айрим соҳалари ҳозирда ҳам сақланган бўлиб, у давр ўтиши билан такомиллаша бориб, турли ихтисосликларга ажралиб келган. Масалан, кулоллик, дурадгорлик, темирчилик, мискарлик, бинокорлик, тоштарошлик, ўймакорлик, каштадўзлик, кунчилик, заргарлик, дегрезлик, рихтагарлик, зардўзлик, бўёқчилик, булутчилик, кемасозлик, тунукасоzлик ва ўнлаб бошқаларни кўрсатишимиз мумкин. Албатта халқимизнинг буюк тарихида, бутун жаҳон халқлари амалий санъати ва маданий тараққиётида бу халқ ижодига мансуб бўлган меросни ҳозирда ҳам эъзозлаб келмоқда. Бу мумтоз мерос халқимиз абадий бўлгани каби абадийдир.

Бизнинг давримизга келиб, “ҳунарманд” иборасининг туб маъносини очадиган бўлсак, уни икки амалда қўллашга ва таърифлашга тўғри келади: 1. Уйда ёки ўз касбий дўконида бирор маҳсулот ишлаб чиқариш билан машғул бўлган касиб. 2. Бирор ҳунарни яхши эгалланган устадир.

Миллий ҳунармандчилик ҳамда амалий санъатини янада тараққий эттириш борасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов доимий ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Бу борада бир қанча давлат манфаатига молик бўлган Фармон ва Қарорлар жорий этилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27 сентябр 1996 йилдаги “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази ҳузуридаги “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Қарорида “...ўтмиш маданиятимизга оид қадимий қўлёзмалар, тарихий ҳужжатлар, халқ ҳунармандчилиги, амалий санъат намуналари ва тарихий, маданий

кийматга молик бошқа ёдгорликларни мамлакатимизда, хорижда излаб топиш ва ўрганиш, улардан улкан меросимизнинг узвий қисми сифатида фойдаланиш” каби кўрсатмалар берилган. Шундай экан, ҳозирги кун вазифаларидан бири - миллий ҳунармандчилик, амалий санъат соҳасидаги ижодиётни янада такомиллаштириш, уни жаҳон халқларининг эътиборига молик равишда тараққий эттиришдир.

Бизнинг мамлакатимизда хорижий мамлакатлар тажрибаларига суянган ҳолда, миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришга давлат томонидан катта эътибор берилмоқда. Бунда 1999 йилнинг 14 апрелда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятини кафолатлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини мисол қилиб кўрсатса бўлади.

Хўш, кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожланган давлатларда қандай эътироф этилади ва унинг моҳияти нимадан иборат?

АҚШда 500 тагача ходими бўлган корхона кичик корхона бўлиб ҳисобланади. Германия ва бошқа Ғарбий Европа давлатларида эса 300 тагача ходими бўлган корхона кичик корхона ҳисобланади.

Хорижий мамлакатларда кичик корхоналарнинг иккита тамоман ўзгача турларга бўлиш мумкин:

- 1) ҳаётни таъминловчи корхоналар;
- 2) тез ўсувчи корхоналар.

Кичик корхоналарнинг қарийб 80-90 фоизи ўта кичик бўлиб, улар ўсиш учун чекланган имкониятларга эга. Бундай корхоналар ҳаётни таъминловчи корхоналар деб юритилади. Ушбу турдаги корхоналарга консултация хизмат кўрсатувчи фирмалар, тор доирада ихтисослашган дўконлар, кафе ва шу кабилар киради.

Иккинчи турдаги корхоналар тез ўсувчи корхоналар деб номланади. Уларнинг бундай номланишига сабаб, уларнинг мақсади тезроқ кичик бизнес чегарасидан чиқиб ривожланишдир.

Миллий ҳунармандчилик ва тадбиркорликнинг ривожланишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Булар қуйидагилардир:

- 1) Корхоналарни йириклашуви тенденциясининг пасайиши.
- 2) Аёллар иш кучининг иқтисодга кириб келиши.
- 3) Йирик ишлаб чиқаришда ходимларни қисқариши.
- 4) Янги корхоналар очиш суръатининг ортиши.

Демак, кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига таъсир этувчи омилларни умумлаштирсак, улар қуйидагилардан иборат:

- корхоналар йириклашуви тенденциясининг пасайиши;
- аёллар иш кучининг иқтисодиётга кириб келиши;
- йирик ишлаб чиқаришда ходимларнинг қисқариши;
- янги корхоналарни очиш суръатининг ортиши ва бошқалардир.

АҚШ иқтисодиётининг асосини кичик ва ўрта бизнес ташкил этади. Унинг мамлакатда ишлаб чиқариладиган ялпи миллий маҳсулот ҳажмидаги улуши кейинги 40 йил мобайнида 10 фоиздан 52 фоизга ўсди.

Европа Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатларнинг ялпи миллий маҳсулоти таркибида эса кичик ва ўрта бизнес улуши 67 фоиздан ортиқ.

Японияда кичик ва ўрта бизнес тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 80 фоизи, Европа Иттифоқи мамлакатларида эса 70 фоизи ишлайди³.

Бозор иқтисодиёти юқори даражада ривожланган мамлакатларда тадбиркорликнинг кенг таракқиёти кичик ва ўрта бизнес, хусусан миллий ҳунармандчилик билан шуғулланувчи корхоналар фаолияти орқали амалга оширилади. Ҳукумат, уларнинг ривожланиши учун асос яратишга ҳаракат қилади. Масалан, АҚШда Рейган президентлиги даврида уларнинг сони 800 мингдан 14,5 миллионга етган. Италияда кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг сони бир миллиондан ортиқроқдир. Кўпчилик Европа

1. И.Каримов «Ўжамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш – таракқиёт гарови». Тошкент. «Халқ сўзи» газетаси 2001 йил 18 июл.

мамлакатлари ва Японияда кичик ва ўрта корхоналарнинг давлат бюджетига қўшаётган ҳиссалари 70 фоизни ташкил этади.

Хорижда тадбиркорликни ўрганган олимларнинг фикрича, ҳар бир тадбиркор камида 50 та одамни боқиши мумкин. Тадбиркорларнинг сони 3-5 % ни ташкил этган хорижий давлатларда иқтисодий тараққиёт тезлашиб бормоқда.⁴

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда тадбиркорликнинг куйидаги умумий томонлари мавжуд:

1. Тадбиркорлар давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатига ишонадилар ва уни амалга оширишга ҳаракат қиладилар;
2. Тадбиркорлик фаолиятига нисбатан жамоатчиликнинг умумий ва ижобий фикри мавжуд;
3. Тадбиркорлик фаолиятида маълум ҳолатларда вужудга келадиган муваффақиятсизликларни оддий вазият сифатида баҳолайдилар ва сабр-тоқат билан енгадилар;
4. Тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришни таъминловчи имтиёзли солиқ тартиби жорий этилган;
5. Давлат муассасалари томонидан тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказишнинг енгиллаштирилган қоидалари жорий қилинган;
6. Тадбиркорликнинг ривожланган инфратузилмаси мавжуд;
7. Интеллектуал мулкни самарали ҳимоя қилиш тизими барпо этилган.

1. Солиев А, Усмонов А "Маркетинг". Тошкент, Ўқитувчи, 1997й, 37-бет.

1.3. Миллий ҳунармандчиликнинг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асослари

Миллий ҳунармандчилик ҳамда амалий санъатини янада тараққий эттириш борасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, муҳтарам Президентимиз Ислоҳ Каримов доимий ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Бу борада бир қанча давлат манфаатига молик бўлган Фармон ва Қарорлар жорий этилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27 сентябр 1996 йилдаги “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази ҳузуридаги “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Қарорида “...ўтмиш маданиятимизга оид қадимий қўлёзмалар, тарихий ҳужжатлар, халқ ҳунармандчилиги, амалий санъат намуналари ва тарихий, маданий қийматга молик бошқа ёдгорликларни мамлакатимизда, хорижда излаб топиш ва ўрганиш, улардан улкан меросимизнинг узвий қисми сифатида фойдаланиш” каби кўрсатмалар берилган. Шундай экан, ҳозирги кун вазибаларидан бири - миллий ҳунармандчилик, амалий санъат соҳасидаги ижодиётни янада такомиллаштириш, уни жаҳон халқларининг эътиборига молик равишда тараққий эттиришдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Конституциянинг 53-моддасига асосан, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган.

Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни (янги тахрирда). Ушбу Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ: тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкый жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир.

Ушбу Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ: тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) – белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги ЎРҚ 327-сонли “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни. Мазкур Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, оилавий тадбиркорлик – оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкый жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир. Оилавий тадбиркорлик ўз иштирокчиларининг ихтиёрийлигига асосланади. Оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий корхонадир. Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги 216-сонли “Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Мазкур Қарорга мувофиқ:

– оилавий тадбиркорлик – бу эр-хотин томонидан уларга биргаликдаги умумий мулк ҳуқуқи билан тегишли бўлган уларнинг умумий мулки

негизда амалга ошириладиган ҳамда эр-хотиннинг ва уларга ёрдам берувчи оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланган, юридик шахс бўлмаган жисмоний шахсларнинг биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятидир;

– ҳунарманд (уста-ҳунарманд, уста) – бу мустақил равишда ёки шогирдлари ёрдамида махсус кўникмалар, асбоблар ва кичик механизация воситаларидан фойдаланишга асосланган анъанавий технологиялар асосида буюмларнинг функционал хусусиятларининг тарихан қарор топган талабларига ҳамда миллий эстетик нормаларга жавоб берадиган ҳунармандчилик фаолияти буюмлари ёки товарлари (ишлар, хизматлар)ни тайёрловчи жисмоний шахсдир;

– ҳунармандчилик фаолияти (ҳунармандчилик) – бу юридик шахс бўлмаган жисмоний шахсларнинг ҳунармандчилик буюмлари ёки товарлари (ишлари, хизматлари)ни ишлаб чиқариш бўйича фаолиятидир.

“Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ва ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомига мувофиқ, оилавий тадбиркорлик ҳамда ҳунармандчилик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибига мувофиқ амалга оширилади.

Оилавий тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида белгиланган намунадаги гувоҳнома берилади, унда якка тартибдаги фаолиятнинг оилавий тадбиркорлик шаклида амалга оширилиши, шунингдек биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи оила аъзолари кўрсатилади.

Оилавий тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришда

оилавий тадбиркорлик субъекти номидан эр-хотиндан бири улардан биттасининг нотариал тасдиқланган розилигига кўра иш кўради.

Хунармандчилик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида белгиланган намунадаги гувоҳнома берилади, унда ушбу Низомга иловага мувофиқ хунармандчилик фаолияти йўналишлари кўрсатилади.

Мамлакатмизда миллий хунармандчиликни ривожлантиришни кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган бир қатор фармонлар ва қарорлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 мартдаги ПҚ – 1501 сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлаш ҳажмларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 мартдаги 79-сонли “Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 майдаги ПФ-4192-сонли “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 мартдаги ПҚ – 1501 сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлаш ҳажмларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига биноан тадбиркорларга қуйидаги имкониятлар яратилди:

- тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ресурслари ҳисобидан кредит беришдан оладиган даромадлари бўшайдиган маблағларни мазкур жамғарманинг ресурс базасини оширишга мақсадли йўналтириш шарти билан юридик шахслардан олинадиган фойда солиғидан 2016 йилнинг 1 январигача озод қилинди;

- устувор равишда олис ва бориш қийин бўлган туманларда, шунингдек меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, шунингдек миллий хунармандчилик субъектларининг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларига ажратилади;

- тижорат банкларига кичик тадбиркорлик субъектларига кредит беришда кредитнинг умумий суммасида қарз олувчининг гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш ҳуқуқи берилди;

- жамғарма ҳисобидан кредитлар энг кам ойлик иш ҳақининг икки минг бараваридан ортиқ бўлмаган суммада ажратилиши белгиланди;

- жамғарма маблағлари ҳисобидан кредитлар маҳсулот етиштириш (тамакичилик ва алкогольли маҳсулот ишлаб чиқаришдан ташқари), ишларни бажариш, хизматлар (савдо соҳаси ва умумий овқатланишдан ташқари) кўрсатиш билан боғлиқ бўлган лойиҳаларга ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4354-сонли Фармониға мувофиқ, тадбиркорларга қуйидаги имтиёзлар берилди:

- 2011 йил 1 сентябрдан кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисоб рақами очганлик учун тўлов ундириш бекор қилинди;

- тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш муддати уч иш кунидан ошмайдиган муддат билан чекланди.

Хулоса қилиб айтганда, 2012 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда янада ривожланишини таъминлаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар қуйидагилардан иборатдир:

- жойлардаги миллий ҳунармандчилик субъектларининг самарали фаолиятига ҳалал бераётган, тўсқинлик қилаётган ёки қилиши мумкин бўлган муаммоларни мунтазам равишда ўрганиб бориш ва ўз вақтида бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;

- ҳудуддаги бўш ёки самарали фойдаланилмаётган бино ва иншоотлар тўғрисидаги аниқ маълумотларнинг қисқа муддатларда олинishi ҳамда уларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хусусан миллий ҳунармандчилик субъектларига тақдим этилиши жараёнларини самарали ташкил этиш;

- миллий ҳунармандчилик фаолияти учун янада қулай муҳит яратиш борасида ҳар бир ҳудуддаги ўзига хос хусусиятларни аниқлаш ва улардан келиб чиққан ҳолда мавжуд барча имкониятларни сафарбар этиш;

- миллий ҳунармандчилик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш йўлидаги ҳар қандай бюрократик тўсиқларни бартараф этиш;

- ҳудудлардаги миллий ҳунармандчилик субъектларининг энергия, газ, сув ва канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа шу каби муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши жараёнларига эътибор қаратиш ҳамда бу борадаги илғор тажрибаларни қўллаш;

- маҳаллаларда оилавий бизнесни ривожлантириш бўйича мавжуд имкониятлар ва уларни рўёбга чиқариш йўллари аниқлаш, шу асосда оилавий бизнесни ташкил этишнинг намунавий шакллари тавсия этиш ва қўллаб-қувватлаш;

- ҳудудларда фаолият юритаётган миллий ҳунармандчилик субъектларининг фаолият йўналишлари жиҳатидан таркибини такомиллаштириш чора-тадбирларини қўллаш, хусусан, саноат соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг турли йўл ва чораларини излаб топиш;

- ҳудудлардаги экспортга маҳсулот чиқарувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига аниқ ва таъсирчан ёрдам кўрсатиш орқали уларнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги иштирокини кенгайтириш;

- ҳудудлардаги миллий ҳунармандчилик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларни ички ва ташқи бозорда рақобатлаша оладиган, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни изчил йўлга қўя оладиган мустаҳкам иқтисодий соҳага айланишини таъминлаш лозим.

I-БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

Миллий ҳунармандчилик қадимий санъат турларидан бири бўлиб, ўрта Осиё, Эрон, Туркия, Арабистон, Афғонистон ва бошқа Шарқ мамлакатларида кенг ривожланган. Айниқса, Ўрта Осиёда яратилган асарлар ўзига хос бадиийлиги, композицияси ва ишланиш услуби билан фарқ қилади.

Ҳозирги кунда халқ миллий ҳунармандчилиги серқуёш Ўзбекистонимизда ардоқланиб авайлаб, муҳофаза қилинаётган кўпгина ёдгорлик обидаларига кўркамлик, гўзаллик бахш этиб турибди.

Ўзбекистон Республикасида миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришнинг тарихий негизлари ва ривожланиш босқичлари кўрсатиб ўтилди ҳамда таҳлил қилинди. Миллий ҳунармандчиликни Ўзбекистонда тараққиёт топишида ўзбек ва хориж тажрибалари ўрганилди.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик фаолиятини юритиш бўйича дунё мамлакатларининг қаторидан муносиб ўрин эгаллаб, муайян вақт давомида сезиларли натижаларга эришишга муваффақ бўла олган мамлакатлар қаторидан ўрин олди.

Миллий ҳунармандчилик соҳасида Ўзбекистонда ва барча вилоятларда фаолият олиб бориш учун шарт-шароитлар яратилди ва яхшилашга қаратилган тартибга солиш тизими бўйича 4 та йирик ислохот амалга оширилди.

Ўзбекистонда миллий ҳунармандчиликни янада ривожлантириш бўйича бир қатор давлатнинг фармон ва қарорлари амалга оширилди.

Миллий ҳунармандчиликнинг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди ҳамда амалга жорий этилиб келинмоқда.

II-БОБ. МАМЛАКАТДА МИЛЛИЙ ХУНАРМАНДЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

2.1. Қашқадарё вилоятида миллий ҳунаромандчиликни ривожлантириш тенденцияси

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз И.А.Каримов “Тадбиркорлик – иқтисодий тангликдан олиб чиқишнинг, иқтисодий тараққиётга олиб боришнинг асосий иқтисодий воситаси, тараққиёт локомотиви”, – деб таъкидлаган эдилар.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви жараёни устун даражада тадбиркорлик фаолиятининг фаоллиги билан белгиланади. Тадбиркорлар ишлаб чиқариш омилларидан оқилона фойдаланишлари ва самарали фаолият юритишлари билан ажралиб турадилар. Миллий ҳунаромандчилик фаолиятини фаоллаштириш тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий моҳиятини чуқур назарий жиҳатдан билиш ва ўрганишга боғлиқдир.

Мамлакатимизнинг иқтисодчи олимларидан А.Ўлмасов ва М.Шарифхўжаевлар, “Тадбиркорлик фақат пул топиш эмас, балки яратувчанлик фаолияти орқали даромад олиш омилидир”, - деб таъкидлаб, шунингдек, тадбиркорлик шунчалик бир фаолият эмас, балки даромад топишга мўлжалланган иқтисодий фаолият бўлиб, агар у фаоллашмаса иқтисодий ўсиш рўй бермаслигини асослайдилар ва улар айнан тадбиркорликнинг сифат жиҳатига эътибор қаратадилар. Ш.Шодмонов “Тадбиркорлик фаолияти – шакли ва соҳасидан қатъий назар, фойда олиш ва ундан самарали фойдаланиш мақсадига қаратилган иқтисодий фаолиятдир”, - деб таъкидлайди.

Қ.Абулқосимов эса тадбиркорликни “Қонун йўли билан ман қилинмаган... иқтисодий унумли фаолият тури”, - деб таърифлайди.

Тадбиркорлик фаолиятининг моҳиятини очишда Ғ.Муфтайдинов томонидан берилган таъриф ўзига хослиги ва кенг камровлиги билан ажралиб туради. “Тадбиркорлик иқтисодий фаолиятни ҳаракатлантирувчи куч сифатида иқтисодий маховик бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятини ва истеъмол талабларини эътиборга олган ҳолда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлайди», - деган ғояни илгари суради.

Ушбу таърифда муаллиф бошқалардан фарқли ўлароқ, тадбиркорликка иқтисодий фаолиятни ҳаракатлантирувчи куч сифатида такрор ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлаши, унинг самарадорлиги эса турли механизмлардан фойдаланиш даражасига боғлиқ эканлигига алоҳида урғу бермоқда.

Бизнинг фикримизча, тадбиркорликнинг ўз иқтисодий табиати мавжуд бўлиб, ушбу мавжудлик унинг икки томонлама хусусиятида намоён бўлади: бир жиҳатдан, тадбиркорлик мулкчилик сифатида бўлса, иккинчи томондан, тадбиркорлик хўжаликни оқилона юритиш ва бошқаришдир.

Ўтказилган тадқиқотлар ва илмий таҳлилларимиз натижасида шунга амин бўлдикки, тадбиркорлик: бир томондан, тадбиркор мулкчиликнинг турли шакллариغا асосланган ҳолда, ўз мулкидан капитал сифатида фойдаланиб, тижорат билан шуғулланиб, янги усул ва юқори технологияларни қўллаган ҳолда бойликдан бойлик орттиради. Бу эса, ўз навбатида мамлакатнинг иқтисодий қудратини оширади.

Иккинчи томондан, ушбу усулни амалга ошириш устун даражада тадбиркорнинг ташкилотчилик даражасига боғлиқ бўлади. Тадбиркорнинг даромад олиши ва миқдори товарларга бўлган талаб билан узвий боғлиқ. Тадбиркорнинг бозорда ўз ўрнини топа олиши ва муваффақиятга эришиши маркетинг тадқиқотларини ўтказишдаги фаоллик, ташаббускорлиги даражасига бевосита боғлиқдир.

Таҳлилларимизга асосланиб, тадбиркорликка қуйидагича таъриф берамиз: тадбиркорлик иқтисодий категория сифатида мулкчиликнинг турли шакллари ва янги технологияга асосланган даромад орттиришнинг ташаббусли фаолияти бўлиб, у бозор шароитида ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро оқилона алоқадорлигини таъминлаш эвазига хўжалик фаолиятини юритиш ва бошқаришда бозор иқтисодиётининг муҳим дастаги сифатида амал қилади.

Бизнинг фикримизча, тадбиркорлик маълум бир давлат ёки минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш сиёсати йўналишларига ҳам боғлиқдир. Ушбу хусусиятлар Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш даврида қуйидагиларда ўз аксини топмоқда: биринчидан, иқтисодиётда мулкчиликнинг хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес, миллий хунармандчилик, деҳқон, фермер хўжаликлари, қўшма корхоналар, акциядорлик жамиятлари каби шаклларининг устувор ривожланиши тақозо этилаётган бўлса, иккинчидан, тадбиркорликнинг хўжалик юритиш нуқтаи-назаридан бозорни тадқиқ қилиш ва фаолиятини оқилона юритиш ҳамда бошқариш масалалари долзарб эканлиги намоён бўлмоқда.

Халқнинг турмуш фаровонлигини оширишда маҳаллий ва ички бозорни истеъмол товарлари билан таъминлашнинг, аҳолига турли-туман хизматлар кўрсатишни ташкил этишда кичик бизнес фаолиятининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Тадбиркорлик қанча ривожланса, моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳам шунчалик ривожланади. Шунинг учун ҳам ХХІ асрда тадбиркорлик субъектларининг фақат сон жиҳатидан ўсишига эмас, балки сифат жиҳатидан ортишига эътибор қаратиш лозим.

Юқоридаги сабабларга кўра, услубий жиҳатдан тадбиркорлик фаолиятининг ислохотлар жараёнида фаоллашувини тадқиқ этишни “фаолият ва фаоллик”, “ишчи кучи ва тадбиркорлик қобилияти”, “меҳнат унумдорлиги ва тадбиркорлик фаоллиги” тушунчаларини таҳлил этишдан

бошлаш мақсадга мувофиқдир. Улар моҳиятан бир-бирини тўлдиради ва яхлит механизм бўлиб ҳаракатга келади.

Ушбу иқтисодий тушунчалар иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш босқичида моҳияти жиҳатидан алоҳида хусусиятга эга эканлиги ва тадбиркорлик фаоллиги янги атама сифатида реал воқеликда намоён бўлаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шуни таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик фаолиятида ишчи кучи ва тадбиркорлик қобиляти омилларининг салоҳияти, тафаккур тарзи ва улуши мустақил намоён бўлади. Корхонанинг тадбиркорлик фаоллиги ташқаридан жалб қилинадиган пул тушумлари ва даромадларга нисбатан самаралироқ бўлишини тақозо этади.

Тадбиркорлик фаолиятининг ижобий самараси шу соҳада банд бўлган аҳолининг даромадлари миқдори ва турмуш тарзига жиддий таъсир кўрсатадиган омилдир. Бозор иқтисодиётида ишчи кучининг қиймати юқори унумдорлик билан фойдаланадиган иш жойига кўчириш имконини берадиган “кўринмас кўлга” айланади.

Фикримизча, тадбиркорлик фаоллиги муайян мақсадга йўналтирилган ҳаракат бўлиб, объектив ва субъектив омиллар ўртасидаги зиддиятларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади. Ишчи кучининг кўнимлилиги корхонанинг тадбиркорлик фаоллиги даражасига боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқариш тузилмасини бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда мунтазам равишда ўзгартириш бозор иқтисодиётининг асосий шартларидан биридир.

Меҳнат фаолиятининг моҳияти ва тадбиркорлик фаолиятини тадқиқ этишда уларнинг умумийлик томонларига ва улар орасидаги тафовутни ажратиш лозим. Бизнинг фикримизча, тадбиркорлик қобиляти ва тадбиркорлик фаоллиги тушунчаларининг умумийлиги шундаки, “қобилят” ва фаоллик тадбиркорлик фаолиятида бир-бири билан уйғунлашади. Биринчидан, тадбиркорлик билан қобилятга эга инсон шуғулланади, иккинчидан, таваккал фаолият бошлаган тадбиркор мавжуд

имкониятдан самарали фойдалансагина ижобий натижага эришади. Юқоридаги икки тушунча ўртасидаги фарқнинг асосини ишлаб чиқариш жараёнида қўлланаётган меҳнат ресурсларининг икки ҳолати: биринчидан, ишлаб чиқариш жараёнида қўлланадиган инсоний ресурслар, иккинчидан, ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинадиган инсоний ресурслар ташкил этади.

Қўлланадиган инсоний ресурсларни ишчи кучи ва тадбиркорлик қобилияти ташкил этса, истеъмол қилинадиган инсоний омилни эса меҳнат ва тадбиркорлик ташкил этади. Ишчи кучи ва тадбиркорлик қобилиятини ишлаб чиқариш учун қўллашда яроқлилиги билан, меҳнат ва тадбиркорлик эса ишлаб чиқариш жараёнида янги истеъмол қиймати яратиши билан тавсифланади. Товар ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат унумдорлиги ҳисобидан тадбиркорлик фаоллигига эришилади. Ресурсларнинг самарадорлиги корхона даражасида намоён бўлади. Бизнинг фикримизча, ишлаб чиқариш жараёнида инсоний омиллар самарадорлиги уч босқичда шаклланган пирамидани ҳосил қилади.

Ўз-ўзидан меҳнат фаолияти ва тадбиркорлик фаолияти тушунчаларининг фарқи яққол намоён бўлади. Ушбу категорияларнинг тафовут жиҳатлари уларнинг иқтисодий негизидадир. Биринчидан, ишчи кучини истеъмол қилиш меҳнат ҳисобланса, тадбиркорлик қобилиятини истеъмол қилиш - тадбиркорликдир. Иккинчидан, меҳнат барча мулк шаклига, шу жумладан, давлат мулкига дахлдор бўлса, тадбиркорлик хусусий ва акциядорлик асосида шаклланган мулк турлари негизида эркин ривожланади. Учинчидан, меҳнатдаги эркинлик фақат инсоннинг ўзига нисбатан, тадбиркорликда эса инсонга ва фаолиятга нисбатан қўлланилади.

Инсонларга қонун доирасида берилган иқтисодий фаолият эркинлиги ўз самарасини беради. Бунинг натижасида оила, жамоа ва давлат бойлиги ортиб боради. Бунинг учун тадбиркорлик фаолияти ва тадбиркорлик фаоллиги тушунчалари бир-бирига мутаносибликда бўлиши

керак. Чунки тадбиркорлик фаоллиги фаолиятнинг сифат даражасини белгилайдиган мезондир. Кичик бизнес, хусусан миллий хунармандчилик фаолиятини фаоллаштирмай туриб, ишлаб чиқаришни бозор иқтисодиёти талаблари даражасида такомиллаштириб бўлмайди. Баҳоуддин Нақшбанд таълимотидаги «Вақт, замон ҳар нафасдан огоҳ бўлиш, уни назорат этиш» гўё бугунги кун тадбиркори учун айтилгандек.

Миллий хунармандчиликнинг ўзига хос бўлган хусусияти шундаки, меҳнат фаолияти давомида ишлаб чиқариш омиллари бир-бири билан узвий боғланиб, хўжаликни самарали юритиш ва оқилона бошқаришга қаратилади. Ушбу ҳолатнинг икки жиҳати мавжуд бўлиб, бир томондан самарали тадбиркорлик фаолияти корхонани истиқболли даражага кўтариши, иккинчи ҳолатда эса корхонанинг инқирозга юз тутишига сабаб бўлиши мумкин.

Фикримизча, тадбиркорлик фаоллиги тадбиркорлик билан шуғулланиш жараёнида бозор муҳитининг ўзгарувчанлик хусусиятига мослашиш, мавжуд ақлий, моддий, молиявий, ташкилий имкониятлардан самарали фойдаланишдир. Тадбиркорлик фаоллигининг миқдорий пировард натижаси бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқарилишидаги эришилган меҳнат унумдорлиги даражаси ва маҳсулотни сотилишидан олинган фойда миқдори ҳамда эришилган самарадорликда намоён бўлади. Иқтисодий адабиётда тадбиркорлик фаоллиги тушунчаси етарли даражада ўрганилмаган бўлиб, мавжуд манбаларда унинг айрим жиҳатлари берилган ҳолос.

Миллий хунармандчиликнинг тадбиркорлик фаоллиги ушбу фаолиятнинг мақсади ва эришилган натижалари ўртасидаги алоқадорликни таъминлайди. Ушбу алоқа миллий хунармандчилик субъектининг режалаштирилган ҳатти-ҳаракатлар билан амалга оширишдаги даражаси орқали изоҳланади. Биринчидан, рақобат муҳитини яхшилаш бўйича аниқ ҳатти-ҳаракатлар режасининг тузилиши, иккинчи томондан, тадбиркорлик фаолияти пировардида ижобий натижаларга

эришиш имконини беради. Ягона режа, стратегия, мақсад ва салоҳиятга эга бўлган тадбиркорликда турли хил фаоллик туфайли турлича натижаларга эришилади. Бу эса тадбиркорлик фаоллигида ягона бошланғич шарт-шароитларда турлича натижаларга эга бўлишни изоҳлайди.

2.2. Миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш

Сўнгги йилларда вилоятда амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар ва қабул қилинаётган қатор дастурий йўналишлар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, шунингдек маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори суръатлар билан ривожланишига олиб келмоқда. Шунингдек, соҳасининг юқори суръатлар билан ўсишини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий асослар ҳам яратилди. Хусусан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 майдаги “Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш ҳақида”ги ПҚ-325-сонли, 2007 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги ПҚ-640-сонли қарорлари бунга яққол мисол бўла олади. Бунинг натижасида республикамизда соҳада бир қанча ижобий кўрсаткичларга эришилди:

- хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратилди;
- 2010 йилда хизматлар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 49 фоизга етказилди;
- қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар турлари кўпайтириб борилди;
- анъанавий хизмат турлари билан биргаликда янги истиқболли – юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва баҳолаш хизмат турлари жадал ривожланди;
- мамлакатимиз корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлари даражасини ва сифатини ошириш ҳамда шу асосда хизматлар экспортини кўпайтиришга эришилди;

- хизматлар ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари ишлаб чиқилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади ва у иқтисодиётда алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистонда аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва унинг фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, миллий хунармандчилик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

2.2.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурслари сони динамикаси (минг киши ҳисобида)*

Худудлар	Йиллар					2013 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариш	
	2009	2010	2011	2012	2013	+, -	фоиз
Қорақалпоғистон Республикаси	883,5	904,4	931,4	938,0	970,2	86,7	109,8
<i>вилоятлар:</i>							
Андижон	1391,8	1433,5	1497,6	1536,0	1626,4	234,6	116,8
Бухоро	904,5	928,7	949,2	967,4	1013,4	108,9	112,0
Жиззах	582,3	601,1	622,2	636,1	675,2	92,9	115,9
Қашқадарё	1345,4	1395,8	1438,3	1481,7	1568,9	223,5	116,6
Навоий	501,6	509,8	527,3	532,1	537,1	35,5	107,0
Наманган	1207,0	1246,5	1288,2	1328,5	1432,8	225,8	118,7
Самарқанд	1617,0	1672,2	1725,8	1782,1	1900,2	283,2	117,5
Сирдарё	390,3	401,9	407,8	415,5	430,9	40,6	110,4
Сурхондарё	1057,7	1096,5	1133,5	1172,9	1246,5	188,8	117,8

Тошкент	1447,4	1477,9	1499,3	1518,2	1564,6	117,2	108,0
Фарғона	1617,5	1667,2	1720,1	1769,3	1897,1	279,6	117,2
Хоразм	823,3	847,7	874,1	892,8	922,4	99,1	112,0
Тошкент ш.	1446,9	1461,5	1508,8	1533,6	1524,2	77,3	105,3
Республика бўйича	15219,6	15644,9	16123,6	16504,2	17309,8	2090,2	113,7

** Жадвал Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.*

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар қуйидагилардан иборат:

1. Аҳолининг иш билан бандлиги таркибий тузилмасини такомиллаштириш ҳамда ишсиз аҳолини янги, меҳнат бозорида рақобатдош касб-хунарларга ўргатиш.

2. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, айниқса таркибий ўзгартириш ва диверсификация масалаларига эътиборни кучайтириш. Бу янги иш ўринлари яратиш билан бир қаторда ички ва ташқи истеъмолга мўлжалланган янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни ҳам кўзда тутди.

3. Иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар фаолиятини такомиллаштириш, бунда энг аввало, ушбу марказлар тузилмасини мақбуллаштириш, глобал инқироз шароитида устувор чора-тадбирларни белгилаб олиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, аҳолини иш билан таъминлаш учун ажратилаётган молиявий маблағларни оқилона тақсимлаш чора-тадбирларини амалга оширишни талаб этади.⁵

⁵Зокирова Н., Абдурахмонов О. Инқироз: оқибатлар, бартараф этиш, меҳнат муаммолари ва янги марраларга чиқиш. – Т.: Fan va texnologiya, 2009. – 136-138-бетлар

Демографик жараёнларга боғлиқ ҳолда, юртимизда меҳнат ресурслари сони йил сайин ортиб бормоқда (2.2.1-жадвал).

2.2.1-жадвалдан кўриниб турганидек, 2009-2013 йиллар давомида меҳнат ресурслари сони 2090,2 минг кишига ёки 13,7 фоизга ортган. Бу даврда меҳнат ресурслари сонининг ўртача йиллик ўсиш суръати 2,6 фоизни ташкил қилган. Кўрилатган даврда меҳнат ресурслари сонининг ўсиш суръати республика ҳудудларида бир меъёрга кечмаган. Жумладан, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида республика ўртача кўрсаткичидан юқори, қолган барча ҳудудларда (Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Сирдарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳри) эса паст бўлган. 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, меҳнат ресурслари жами аҳолининг 59 фоизини ташкил қилиб, унинг асосий қисми (қарийб 60 фоизи) Самарқанд, Фарғона, Андижон, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида тўпланган.

2.2.2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида иш билан банд аҳоли сони динамикаси (минг киши ҳисобида)*

Худудлар	Й и л л а р					2013 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариши	
	2009	2010	2011	2012	2013	+;-	фоиз
Қорақалпоғистон Республикаси	551,1	561,1	566,1	580,8	590,0	38,9	107,0
<i>вилоятлар:</i>							
Андижон	1014,8	1047,3	1063,0	1112,1	1144,8	130,0	112,8
Бухоро	708,0	729,1	748,5	768,1	784,7	76,7	110,8
Жиззах	350,9	360,6	396,6	381,6	392,4	41,5	111,8
Қашқадарё	877,9	908,7	934,9	971,7	1003,8	125,9	114,3
Навоий	389,9	396,7	404,6	408,0	413,4	23,5	106,0
Наманган	738,0	763,3	790,1	815,3	841,7	103,7	114,0

Самарқанд	1115,8	1152,0	1186,7	1229,9	1269,8	154,0	113,8
Сирдарё	296,1	304,1	318,9	320,0	327,5	31,4	110,6
Сурхондарё	696,7	722,5	744,6	784,5	817,8	121,1	117,3
Тошкент	1068,6	1097,5	1127,0	1155,4	1183,5	114,9	110,7
Фарғона	1241,3	1280,1	1318,0	1340,5	1367,6	126,3	110,2
Хоразм	553,6	571,1	583,0	606,7	625,2	72,6	112,9
Тошкент ш.	1132,4	1140,8	1145,8	1153,8	1156,7	24,3	102,1
Республика бўйича	10735,4	11035,4	11328,1	11628,4	11919,1	1183,7	111,0

** Жадвал Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.*

Янги иш ўринларини ташкил этиш, иқтисодиёт тармоқлари таркибини диверсификация қилиш, малакали мутахассислар тайёрлаш ва шунингдек, 12 йиллик мажбурий таълим тизимига ўтиш борасида кўрилган чора-тадбирлар аҳолининг бандлик даражасини янада ошириш имконини берди (2.2.2-жадвал).

2009-2013 йиллар мобайнида иш билан банд бўлган аҳоли сони 10735,4 минг кишидан 11919,1 минг кишига ёки 11,0 фоизга ортган. Таҳлил қилинаётган даврда иш билан банд бўлган аҳоли сони республиканинг барча ҳудудларида ҳам ортган. Аммо, таҳлиллар унинг ўсиш суръати бир меъёردа кечмаганини кўрсатади. Хусусан, ўтган беш йил давомида иш билан банд бўлган аҳоли сонининг ўсиш суръати Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида республика ўртача кўрсаткичидан юқори, қолган барча ҳудудларда эса паст бўлган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва иш ўринлари ташкил этиш муаммоларини изчил ҳал этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида иқтисодиётдаги банд аҳоли сони 2,5 фоизга ўсди ва деярли 11,9 миллион кишига етди, иқтисодиётнинг нодавлат

секторидаги банд бўлган кишилар улуши 79,4 фоизни, шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда бандлар – 74,2 фоизни ташкил этди. Бандликнинг энг юқори ўсиш суръатлари қурилишда (105,2 фоиз), уй-жой-коммунал хўжалигида ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишда (105,1 фоиз), савдо ва умумий овқатланишда (105,0 фоиз), транспорт ва алоқада (104,4 фоиз) қайд этилди.

2.2.3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт тармоқларида, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида иш билан банд бўлганлар сони динамикаси (минг киши ҳисобида)*

Худудлар	Иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд аҳоли сони			Кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида иш билан банд аҳоли сони		
	2009 й	2013 й	2013 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариши, фоиз	2009 й	2013 й	2013 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариши, фоиз
Қорақалпоғистон Республикаси	145,9	160,1	109,7	104,1	109,7	105,3
<i>Вилоятлар:</i>						
Андижон	176,4	207,5	117,6	197,3	209,7	106,2
Бухоро	161,5	165,6	102,5	140,8	144,0	102,2
Жиззах	68,2	80,6	118,1	84,7	100,8	119,0
Қашқадарё	201,5	231,4	114,8	149,3	172,6	115,6
Навоий	150,6	165,4	109,8	56,6	59,4	104,9
Наманган	160,5	171,8	107,0	148,9	142,6	95,7
Самарқанд	228,1	228,7	100,2	218,9	250,7	114,5
Сирдарё	58,6	68,7	117,2	72,6	93,9	129,3
Сурхондарё	140,3	162,8	116,0	175,4	193,6	110,3
Тошкент	256,4	274,4	107,0	191,1	206,4	108,0

Фарғона	266,8	299,8	112,3	222,0	286,8	129,1
Хоразм	118,6	125,2	105,5	161,2	146,7	91,0
Тошкент ш.	418,0	437,6	104,6	171,1	221,5	129,4
Республика бўйича	2551,7	2779,8	108,9	2094,3	2338,4	111,6

** Жадвал Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.*

Умуман олганда, республика ва унинг алоҳида ҳудудлари бўйича иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳоли сони ортмоқда (2.2.3-жадвал).

2.2.3-жадвал маълумотларининг таҳлили Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳоли сони 2551,7 минг кишидан 2779,8 минг кишига ёки 8,9 фоизга ўсганини кўрсатади. Бундай тенденция республиканинг барча ҳудудларида ҳам кузатилган.

Аҳоли бандлиги таркибида ҳам муҳим ижобий ўзгаришлар таъминланди. Агар мустақилликнинг дастлабки йилларида иш билан банд бўлганларнинг 60 фоизи давлат сектори ҳиссасига тўғри келган бўлса, бугунги кунга келиб (2013 й) мазкур секторда умумий иш билан банд аҳолининг 20 фоиздан кўпроғи меҳнат қилмоқда.

Бандликнинг соҳалар бўйича таркибида ҳам ижобий тенденциялар кузатилди. Хусусан, қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли сони сезиларли даражада камайди. Агар 1991 йилда мазкур соҳада ишловчилар сони жами иш билан банд бўлганларнинг 40 фоизини ташкил этган бўлса, бугунги кунда бу рақам 25 фоизга тушди. Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш, транспорт ва қурилиш соҳаларида иш билан банд бўлганлар сони ўсиб, 36 фоиздан 52 фоизга етди.

Кичик корхона ва фермер хўжаликларида иш билан банд аҳоли сони ҳам йил сайин ортиб, 2009 йилдаги 2094,2 минг кишидан 2013 йилда 2338,4 минг кишига ёки 11,6 фоизга кўпайди. Бу кўрсаткични республика ҳудудлари бўйича таҳлил қилиш унинг бир меъёردа кечмаганини

кўрсатади. Жумладан, ўтган беш йил давомида кичик корхона ва фермер хўжаликларида иш билан банд бўлган аҳоли сонининг ўсиш суръати Тошкент шаҳри, Фарғона, Сурхондарё, Сирдарё, Самарқанд, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида республика ўртача кўрсаткичидан юқори, қолган ҳудудларда эса паст бўлган. Шу билан бирга, таҳлил қилинаётган даврда мазкур соҳада иш билан банд бўлганлар сони Хоразм (9,0 фоиз) ва Наманган (4,3 фоиз) вилоятида камайган.

2.2.4-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятида ва деҳқон
хўжаликларида иш билан банд бўлганлар сони динамикаси
(минг киши ҳисобида)**

Худудлар	Юридик шахс мақомига эга бўлмаган, лицензияга эга тадбиркорликда банд бўлганлар сони			Деҳқон хўжаликларида иш билан банд аҳоли сони		
	2009 й	2013 й	2013 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариши, фоиз	2009 й	2013 й	2013 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариши, фоиз
Қорақалпоғистон Республикаси	4,6	29,8	647,8	103,9	96,7	93,0
Вилоятлар:						
Андижон	12,3	61,0	495,9	170,1	177,8	104,5
Бухоро	8,9	49,5	556,1	129,4	151,4	117,0
Жиззах	4,7	23,3	495,7	63,4	98,1	154,7
Қашқадарё	10,5	43,8	417,1	128,6	150,2	116,7
Навоий	5,7	25,8	452,6	49,4	60,8	123,0
Наманган	13,0	66,8	513,8	95,4	114,6	120,1
Самарқанд	12,5	65,0	520,0	148,3	188,8	127,3
Сирдарё	2,5	10,8	432,0	26,8	60,2	224,6
Сурхондарё	6,3	27,6	438,0	129,8	153,6	118,3

Тошкент	12,2	65,9	540,1	177,4	190,6	107,4
Фарғона	17,8	99,1	556,7	168,2	192,7	114,5
Хоразм	5,5	23,8	432,7	81,5	106,0	130,0
Тошкент ш.	24,2	105,9	437,6	0	6,2	-
Республика бўйича	140,8	698,4	496,0	1472,5	1745,0	118,5

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бозор иқтисодиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланган кичик мулкдорлар синфини шакллантиришга, мамлакатимиз бозорини истеъмол товарлари ва турли хизматлар билан бойитиш имкониятини яратишга, ҳар бир оила даромадини кўпайтиришда ҳамда янги иш ўринларини яратиш эвазига ишсизлик масаласини ҳал этишга замин яратади.

Республикада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани боис бу соҳада иш билан банд бўлган аҳоли сони йил сайин ортиб бормокда (2.2.4-жадвал).


2.2.4-жадвалдан кўриниб турганидек, 2009-2013 йилларда республика бўйича юридик шахс мақомига эга бўлмаган, лекин лицензияга эга тадбиркорликда банд бўлганлар сони 140,8 минг кишидан 698,4 минг кишига ёки 4,96 марта кўпайган. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотларига қараганда, деҳқон хўжаликларида иш билан банд бўлган аҳоли сони 1472,5 минг кишидан 1745 минг кишига ёки 18,5 фоизга ортган.

Шундай қилиб, мамлакатда амалга оширилаётган оқилона иқтисодий сиёсат туфайли бандликнинг касаначилик, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик каби аҳолининг тадбиркорлик қобилияти ва бунёдкорлик меҳнати салоҳиятини намоён қилишга кўмаклашувчи самарали шакллари ривожланди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотлари иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳолининг асосий қисмини мустақил иш қидираётганлар ташкил қилишини кўрсатади.

Жумладан, 2009 йилда республика бўйича жами иш билан таъминлашга мухтож бўлган аҳолининг 95,3 фоизини мустақил иш қидираётганлар ташкил қилган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 97,7 фоизга тенг бўлган. Қўрилаётган даврда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказларида рўйхатдан ўтган ишсизлар улуши мос равишда 4,7 ва 2,3 фоизга тенг бўлган.

Республикада иш билан таъминлашга мухтож бўлган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ортиши ишсизлик даражасининг камайишини таъминлади (2.2.1-расм).



2.2.1-расм. Ўзбекистон Республикасида аҳолининг ишсизлик даражаси, фоиз.⁶

2007-2011 йилларда юртимизда аҳолининг ишсизлик даражаси бир меъёрга бўлган, яъни 5 фоизни ташкил қилган. Бироқ бу кўрсаткичнинг йиллар бўйича ўзгариши унинг бир меъёрга бўлмаганини кўрсатади. Жумладан, 2007-2008 йилларда ишсизлик даражаси 0,1 бандга камайган, 2008-2009 йилларда 0,4 бандга кўпайган, 2009-2011 йилларда эса 5,3 фоиздан 5 фоизга тушган ёки 0,3 бандга камайган (2.2.1-расм).

Мамлакатимизда янги иш ўринларининг қарийб ярми кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш, яқка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ҳамда миллий хунармандчиликни янада ривожлантириш, пудрат асосидаги қурилиш, шу жумладан, уй-жойларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари кўламини кенгайтириш ҳисобидан яратилмоқда.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотларига кўра, 2011 йилда республикада 950 мингга ортиқ иш ўрни ташкил этилган (2.2.5-жадвал).

2.2.5-жадвал

Ўзбекистон Республикасида яратилган иш ўринлари сони, бирлик

Т/р	Йўналишлар	Йиллар		
		2011	2012	2013 дастур
	Барча йўналишлар бўйича яратилган янги иш ўринлари, жами (иш ўрни)	950 001	956 247	967464
	шу жумладан:			
1.	Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларни янгилаш	56 316	57469	57874
2.	Кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил қилиш	347 408	365888	365897
	шундан:			
2.1.	Саноатда	52 882	54941	55921
2.2.	қурилиш-пудрат ишларини кенгайтириш, жумладан, уй- жой қурилиши ва таъмирлаш	43 632	43863	43988
3.	Якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш	129 177	111871	117180
4.	Уй меҳнатининг барча шаклларини ривожлантириш	207 972	216165	217188
4.1.	Шу жумладан, корхоналар билан кооперацияда меҳнат шартномалари асосида касаначилик	62 518	55357	-
5.	Фермер хўжаликларини ривожлантириш (паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик	127 732	122399	122737

	ва бошқалар)			
6.	Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш	61 320	72850	72994
7.	Ишламасдан турган корхоналар фаолиятини тиклаш	8 889	9605	13594
8.	Бозор инфратузилмасини ривожлантириш	11 187	-	-

** Жадвал Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилди.*

2.2.5–жадвалда келтирилган статистик маълумотлар юртимизда ташкил этилган иш ўринларининг қарийб ярми кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил қилиш, якка тартибдаги тадбиркорликни ҳамда уй меҳнатининг барча шакллари ривожлантириш ҳисобидан яратилганидан далолат беради.

Шу ўринда айтиш жоизки, 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг қуйидаги асосий йўналишлари бўйича комплекс чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши тасдиқланган прогноз параметрларни бажаришга имкон берди:

А) 2013-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги дастур, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашнинг тармоқ дастурлари, 2013 йилги Инвестиция дастури, 2013-2015 йилларда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури, ижтимоий-иқтисодий ва индустриал ривожлантириш ҳудудий дастурлари доирасида энг муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида 48,9 мингта иш ўрни ташкил этилди.

Ташкил этилган корхоналар ва иш ўринларининг асосий қисми енгил, тўқимачилик, автомобиль, кон-металлургия, нефть ва газ ҳамда кимё саноати тармоқларига тўғри келди. 2013 йилда мамлакат бўйича 828 та ишлаб чиқариш объекти, шу жумладан озиқ-овқат саноатда (279 та),

курилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида (234 та), енгил саноатда (201 та), ёғочни қайта ишлаш саноатида (36 та), машинасозликда (12 та), кимё (8 та), фармацевтика (3 та) саноатида ва бошқа саноат тармоқларида (55 та) ишга туширилди.

Б) Йиллик Давлат дастури, кичик бизнесни ривожлантириш ҳудудий дастурлари чора-тадбирларини амалга ошириш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, айниқса кичик бизнес субъектларига солиқ имтиёзлари бериш бўйича қонун ҳужжатларини қабул қилиш, кредитлашни ва моддий хомашё ресурсларини олиш имкониятларини кенгайтириш ҳисобидан кичик бизнесда (миллий ҳунармандчилик, кичик корхоналар ва микрофирмалар) 296,1 мингта, хусусий тадбиркорликда 89,7 мингта иш ўрни ташкил этилди.

Кредит билан қўллаб-қувватлашнинг кенгайтирилиши тадбиркорлик субъектларининг иш ўринлари ташкил этиш бўйича молиявий имкониятларини анча кенгайтириш имконини берди. Чунончи, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, шунингдек миллий ҳунармандчилик субъектларига берилган кредитлар ҳажми 3,1 триллион сўмни, шу жумладан, имтиёзли микрокредитлар 613,3 миллиард сўмни ташкил этди, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 баробар кўп. Бунда 20,9 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар меҳнат ресурслари ортиқча бўлган ҳудудлардаги тадбиркорларга, 251,9 миллиард сўми хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга, 20,3 миллиард сўм ўзининг тадбиркорлик ишини ташкил этиш учун касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларига берилди.

В) миллий ҳунармандчилик ва касаначилик меҳнатини ривожлантириш бўйича қатор каттагина имтиёз ва преференциялар, шу жумладан, касаначиларга буюртмаларни, ускуналарни, хом ашёни, асбоб ва жиҳозларни имтиёзли равишда бериш шартларини, касаначининг уйдаги ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларини қоплаш тартибини, корхоналарни касаначиларга тўланадиган маблағ миқдорида иш ҳақи

жамғармасидан ягона ижтимоий тўловдан озод этишни кўзда тутадиган ҳуқуқий ва норматив база яратилгани касаначиликнинг барча турларини ривожлантириш ҳисобидан 191,9 мингта иш ўрнини ташкил этиш имконини берди.

Ўтган даврда касаначилар билан ишлаб чиқариш ва меҳнат муносабатларига саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳасидаги 5,4 мингдан ортиқ корхона жалб этилган бўлиб, уларда касаначилар билан кооперация асосида меҳнат шартномалари бўйича 55,8 минг кишининг бандлиги таъминланди.

Оилавий тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари 136,1 мингта иш ўрни ташкил этилишини таъминлаш имконини берди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, шунингдек миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, унга кенг иқтисодий эркинлик бериш билан тавсифланади.


Шу жиҳатдан, ҳозирги кунда республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, шунингдек миллий ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш масаласига давлатимиз иқтисодий сиёсатининг стратегик вазифаси сифатида қаралмоқда.

Миллий ҳунармандчилик капитал тақчиллиги шароитида кўп маблағ талаб этмайдиган хўжалик фаолияти сифатида ресурслар айланмасининг юқори суръатларини таъминлайди, иқтисодиётни қайта қуриш, иқтисодий нобарқарорлик ва ресурслар чекланганлиги шароитида истеъмол бозорини шакллантириш ва уни тўлдириш муаммосини тез ҳамда тежамли тарзда ҳал этади. Кичик корхоналар истеъмол талабининг ўзгаришига дарҳол мослашади ва шу йўл билан истеъмол бозоридаги зарурий мувозанатни таъминлайди. Ҳозирги пайтда ушбу соҳа нафақат иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда

муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутмоқда. Охирги йилларда республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхоналар сони йил сайин ортиб бораётгани соҳанинг изчил ривожланаётганлигидан далолат беради.

Миллий хунармандчилик соҳасининг иқтисодиётдаги аҳамияти унинг иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш, йирик корхоналар учун маҳсулот ва хизматлар етказиб бериш, янги иш ўринларини яратиш ва иккиламчи бандликни таъминлаш, бозор тизимининг мослашувчанлигини ошириш, илмий-техникавий инқилобни жадаллаштириш, ресурсларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш, солиқ тушумлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш, аҳоли даромадлари даражасини барқарорлаштириш каби омиллар билан белгиланади.


Мустақиллик йилларида миллий хунармандчилик субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, шунингдек миллий хунармандчилик соҳасига давлат томонидан катта эътибор берилиши ҳамда қўллаб-қувватланиши натижасида унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2002 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушига тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 48,2 фоизни, 2011 йилда 50,1 фоизни, 2012 йилда 52,5 фоизни, 2013 йилда эса 54 фоизни ташкил этди ёки 2002 йилга нисбатан 23 фоизга ўсди (2.2.2-расм).



2.2.2-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишида энг аввало, мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи роль ўйнаётганлиги ҳисобланади. Хусусан, 2010 йилда кичик бизнес субъектлари учун белгиланган ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилган бўлса, 2011йилда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга камайтирилиши хўжалик юритувчи субъектлар инвестиция фаолиятининг кенгайишига хизмат қилди. Бунинг натижасида бўшаб қолган қарийб 80 миллиард 300 миллион сўм маблағни биринчи навбатда ишлаб чиқаришни технологик янгилаш ва замонавий техникани жорий этишга йўналтириш имкони пайдо бўлди.


2012 йилда солиқ юкини, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан олинadиган солиқ юкини сезиларли даражада камайтириш белгиланди. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкасини 6 фоиздан 5 фоизга туширилди (2.2.3-расм).



2.2.3-расм. Кичик бизнес субъектлари учун белгиланган солиқ ставкалари.

Расмдаги маълумотлардан кўринадики, 1996-2012 йиллар мобайнида кичик бизнес субъектлари учун белгиланган солиқ ставкалари 38 фоиздан 5 фоизга ёки 7,6 мартага қисқарди.

Сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, 2012 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун 2690,2 млрд.сўм кредит ажратилган бўлса, 2013 йилда эса бу кўрсаткич 4041 млрд. сўмни ташкил этди (2.2.4-расм).



2.2.4-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилган кредитлар миқдори.

Расмдаги маълумотлардан кўринадики, 2003-2013 йиллар мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хусусан миллий хунармандчилик соҳасига йўналтирилган кредитлар миқдори қарийб 24 мартага кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонли “2011-2015 йилларда Республика молия банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича банк тизими томонидан амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги устувор вазифалар белгилаб берилган:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда миллий хунармандчилик субъектларини кредитлаш ҳажмини 2011-2015 йилларда 2,7 бараварга ошириш;

- халқаро молия муассасалари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредит линиялари миқдорини ошириш;

- тижорат банкларида имтиёзли кредитлаш жамғармаларини ташкил этиш, жамғарма маблағларини узоқ ҳамда бориш қийин бўлган жойларда, шунингдек аҳоли зич яшовчи ҳудудларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини кредитлаш учун сафарбар этиш;


- истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредитлаш ҳажмини ошириб бориш;

- мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харид қилиш учун аҳолига истеъмол кредитлари беришни янада ошириш ва бошқалар.

2014 йилда ҳам тижорат банклари томонидан оилавий бизнес ва миллий хунармандчиликни ривожлантириш учун кредит маблағларини ажратилишига алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу мақсадлар учун банklar томонидан жорий йилда 60 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилади.

Мухтасар қилиб айтганда, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда миллий хунармандчиликка, хусусан уларнинг модернизациялаш ва технологик янгиланишига молиявий кўмак бериш, замонавий банк хизматлари кўрсатиш кўламини янада кенгайтириш, янги иш ўринлари яратилиши ва аҳолининг бандлиги таъминланишида, ички истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг кўпайишига ва минглаб оилалар даромадлари ортишида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонли “2011-2015 йилларда Республика молия банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорига кўра, халқаро молия институтлари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредит линиялари миқдори 2011 йилда 75 миллион АҚШ долларини, 2015 йилга бориб эса 155 миллион АҚШ долларини ташкил этиши мўлжалланган (2.2.5-расм).



2.2.5-расм. 2011-2015 йилларда халқаро молия институтлари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредитлар миқдори.

Республикаимиз Президенти Ислон Каримов 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар

Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳоли бандлигини таъминлашдаги ролига алоҳида эътибор бериб, “Ҳисобот йилида янги иш ўринлари ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш масаласини ҳал қилиш ҳам эътиборимиз марказида бўлди. Худудий бандлик дастурларининг амалга оширилиши натижасида яратилган 1 миллионга яқин иш ўрнининг 68 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларда ташкил этилди. Таъкидлаш жоизки, янги иш ўринларининг 64 фоиздан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ривожини рағбатлантиришни янада кучайтириш, хусусан, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоиздан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шакллари кенгайтириш ҳисобидан яратилди.”⁷, - деб алоҳида таъкидлади.

Сўнгги йилларда кичик бизнес субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда (2.2.6-жадвал).

2.2.6-жадвал


Ўзбекистонда янги иш ўринларини яратишда кичик бизнес субъектларининг улуши

Кўрсаткичлар номи	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил
Янгидан ташкил этилган иш ўринлари, минг киши	661	940,5	950	1000
шу жумладан:				
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда миллий хунармандчиликда, минг киши	374,3	391,8	600	640

⁷ 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга қўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўнашларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, №14 (5434)

Фоиз ҳисобида	57,0	41,7	65	64
Жами иқтисодиётдаги банд бўлганлар сонига нисбатан улуши, фоизҳисобида	72,7	74,2	74,3	74,8

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2012 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилган бўлса, шундан қарийб 600 минги кичик бизнес ҳиссасига тўғри келган. 2013 йилда эса бир миллиондан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Таъкидлаш жоизки, янги иш ўринларининг 64 фоиздан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликни рағбатлантиришни янада кучайтириш, хусусан уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоиздан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шакллари кенгайтириш ҳисобидан яратилди. 2013 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида мамлакатимизнинг иқтисодиётида банд бўлган жами аҳолининг 74,8 фоизи фаолият кўрсатди (2.2.6-расм).



2.2.6-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бандликдаги улуши.

Расмдаги маълумотлардан кўринадикки, кичик бизнес субъектларининг бандликдаги улуши 2002 йилда 49,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 74,8 фоизга етди ёки 2002 йилга нисбатан 25,1 фоизга кўпайди. Бу эса кичик бизнес субъектларининг аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этишда муҳим ўрин эгаллашини кўрсатмоқда.

Иқтисодий ислохотларнинг янги босқичида мамлакат аҳолисининг иш билан бандлиги даражасини ошириш ва меҳнат бозорини тартибга солиш соҳасидаги қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилмоқда:

- иқтисодиётни ривожлантириш негизида янги иш ўринлари яратилмоқда;
- миллий ҳунармандчиликка кенг имкониятлар очилиб, бу фаолият қизгин қўллаб қувватланмоқда;
- аҳолининг меҳнат фаоллигини, оилавий ижара, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш негизида аҳолининг ўзини-ўзи иш билан банд қилиш даражаси оширилмоқда;
- аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат бозори такомиллаштирилмоқда. Бунинг учун зарар кўриб ишлайдиган корхоналарни тугатиш ёки ихтисосини ўзгартириш ишлари олиб борилмоқда.

Бизнинг фикримизча, ишчи кучига талабнинг ошиши бўйича иқтисодий тадбирлардан энг асосийси иқтисодиёт тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга оширишдир. Бунга энг аввало мулкчилик шакллари ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, янги иш жойларини яратиш, иш вақтидан унумли фойдаланиш, ишловчиларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини кўтариш, солиқларни оқилона белгилаш орқали эришилади.

Муҳим иқтисодий тадбирлар мажмуасига қайта ишлаш саноати ва хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш жойларини яратиш, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга давлат томонидан имтиёзли кредитлар бериш,

илғор технологияларни тадбиқ этиш, бозор шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва қайта ишлаш саноати тармоқларининг асосий маҳсулотларига давлат буюртмасини белгилаш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ижтимоий ишларни маблағ билан таъминлаш киради.

Бу тадбирлар қўшимча иш жойларини ташкил қилишда энг кам инвестицияни назарда тутати ва ишчи кучига талабни оширишда муҳим ўрин эгаллайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини маблағлар билан таъминлашнинг манбалари бўлиб маҳаллий бюджет, бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳамда хусусий тадбиркорларнинг шахсий жамғармалари хизмат қилади. Бугунги кунда айниқса, минтақаларда аҳоли бандлиги, ишлаб чиқаришни ишчи кучи билан таъминлаш масалаларини ўрганишни ҳаётни ўзи тақозо этмоқда.

Юқоридагиларга асосланиб, республикамиз ва унинг минтақаларида аҳолининг бандлигини ошириш, ишчи кучидан самарали фойдаланишда куйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- маълумки, мамлакатимизда аҳолининг 62,5 фоизидан кўпроғи қишлоқ жойларида яшайди. Шунга мувофиқ меҳнатга яроқли аҳолининг ҳам шунча қисми қишлоқ аҳолиси ҳисобига тўғри келади. Шунинг учун қишлоқ аҳолисининг фаолияти соҳалари ва турларини кенгайтириш талаб қилинади;

- айти пайтда бугун алоҳида муҳим аҳамият касб этадиган яна бир масала – ёшларни, бўлғуси кадрларни тайёрлаш сифати билан боғлиқ. Табиийки, бу борада педагогик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими қандай ташкил этилгани ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу масала умумий ўрта ва ўрта махсус таълимни ислоҳ қилиш тизимининг энг долзарб вазифаси бўлмоғи зарур. Лицей ва коллежларимизда таълим жараёнларига олий ўқув юртларининг тажрибали амалиётчи ва ўқитувчиларини янада кенг ва фаол жалб этиш лозим;

- ижтимоий йўналтирилган меҳнат бозори фаолиятини йилдан йилга кенгайтириб бориб, улар томонидан ўтказилаётган меҳнат ярмаркаларини мунтазам ўтказилишини таъминлаш зарур;

- ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солувчи мустаҳкам ривожланган маҳаллий ва хорижий бандлик хизмати ташкилотлари тизимини такомиллаштириш лозим;

- республика ва унинг минтақаларида янги иш жойларини ташкил этиш, аҳоли бандлик даражасини ошириш ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан мақсадли фойдаланиш бўйича чуқур иқтисодий ислохотларни амалга ошириш зарур;

- аҳолини оқилона бандлигини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган дастурларнинг мониторингини мунтазам олиб бориш лозим;

- қайта ишлаш саноати, хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш жойларини яратиш керак;

- ишчи кучига талабнинг ошиши ва ишсизликнинг камайишини таъминловчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда миллий хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш лозим;

- хизмат кўрсатиш соҳаларини самарали маҳаллий ва хорижий техника ва технология билан таъминлаш даркор;

- меҳнат бозори, ишсизлик ва аҳоли бандлиги жараёнларини тартибга солувчи ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш лозим.

Шу билан бирга мамлакат меҳнат бозори ривожланишида қатор муаммолар мавжуд бўлиб, улардан энг муҳими меҳнат ресурсларининг салмоқли қисмини ташкил этувчи ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш муаммосидир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, 2013 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборатдир:

- миллий ҳунармандчилик, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш;
- уй меҳнати (касаначилилик)ни ривожлантириш;
- янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд қувватларидан унумли фойдаланиш, корхоналарни кенгайтириш;
- ишлаб чиқариш, бозор ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш;
- фермер ва аҳоли хўжаликлари имкониятларидан кенгрок фойдаланиш, интенсив технологияларни жорий этиш ва бошқалар.

Энг муҳими, жаҳонда рўй бераётган молиявий-иқтисодий инқироз таъсирида дунё бўйича 56 млн. кишидан ортиқ ишсизлар армияси вужудга келган бир шароитда Ўзбекистонда юз минглаб янгидан-янги иш ўринлари ташкил этилмоқда. Бунинг яна бир аҳамиятли томони, янги иш ўринларини яратишнинг ўзига хос механизмларининг таркиб топгани ва унинг бир қатор йўналишлар бўйича изчил амал қилиб келаётганлигидир (3.6.2-расм).



2.2.7-расм. Янги иш ўринларини ташкил этишнинг асосий йўналишлари

Касаначилилик фаолиятидаги вақтдан унумли фойдаланиш имконияти, яъни, ишчининг уйда ўзи истаган вақтида ишлаши мумкинлиги; ишхонага

бориш-келиш учун кетадиган вақт ва харажатни тежаши; уйдаги қўшимча ишчи кучи имкониятларидан фойдалана олиши; айти пайтда уй-рўзгор ишларини назорат қилиб туриши каби жиҳатлар меҳнатни ташкил этишининг мазкур шаклига нисбатан қизиқишни кучайтиради.



2.2.8-расм. Касаначилик фаолияти амал қилишининг асосий тамойиллари

Касаначиликнинг аҳоли бандлигини ошириш ҳамда даромадларини кўпайтиришдаги мавжуд имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш мақсадида 2006 йил 5 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида касаначилик фаолиятини ташкил этишда қуйидаги имтиёзлар белгиланиши кўрсатиб ўтилган:

- касаначилик фаолиятини ташкил этувчи корхоналарнинг беш йил муддатга, касаначиларга тўланадиган маблағларга тенг миқдорда, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод этилиши;
- иш берувчига касаначиларга асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарларни текин ёки ижара шарти билан бериш, жумладан, лизинг (молиявий ижара) асосида тақдим этиш ҳуқуқининг берилиши;

- касаначиларга корхона буюртмаси бўйича ишларни бажариш учун текин фойдаланишга берилган асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарларнинг улардан фойдаланиш даврида мулк солиғидан озод этилиши ва ҳ.к.

Саноат корхоналари билан кооперация асосидаги касаначиликни ҳамда пудрат шартномаси асосидаги уй меҳнати фаолиятини ривожлантириш натижасида 2009 йилда 130 мингга яқин иш ўрни яратилди. Бандлик даражасини оширишга қаратилган бундай чора-тадбирлар инқироз шароитида аҳолини ишончли ҳимоя қилиш, унинг даромади ва моддий фаровонлигини ошириш имконини таъминлади.

2.3. Миллий ҳунармандчилик фаолиятини давлат томонидан йўлга солиш ва уни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари

Мамлакатимизда айрим ресурслар чекланганлиги туфайли тадбиркорлик субъектлари улардан фойдаланишда давлат ёрдамига мухтож. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектлари техника ва технологияни олиш ҳамда қўллашда, янгиларини жорий этиш, мутахассислар билан таъминланиш ва бошқа масалаларда давлат қўмағига таянадилар. Тадбиркорлик давлат томонидан қўллаб-қувватланмаса, етарли даражада ривожлана олмайди ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий тизимида ўзига муносиб ўринни эгаллай олмайди.

Шунинг учун Ўзбекистонда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш сиёсати, тизими, механизми шакллантирилган ва улар амалга ошириб келинмоқда. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш сиёсати – бу тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг назарий асослари, концепцияси, дастурлари, амалга ошириш механизми, йўллари, йўналишлари, воситалари, усуллари, чора-тадбирлари мажмуидир. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизими бу – тадбиркорни қўллаб-қувватлаш сиёсати, дастурлари, механизми, ва уларни амалга оширишни ташкил этишни таъминлашга масъул давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар мажмуи ҳисобланади.

Тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қуйидаги асосий йўналишларда амалга оширилади.

- Тадбиркорликка оид меъёрий ҳуқуқий базани яратиш ва такомиллаштириб бориш. Ўзбекистонда тадбиркорликнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси такомиллаштириб борилмоқда. Тадбиркорликка оид бир қатор қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари қабул қилинди ва уларнинг қатори кенгайиб бормоқда. Фақат уларнинг ҳақиқий ижросини таъминлаш ва назорат қилиш лозим.

- Тадбиркорликнинг ривожланишини ташкилий таъминлаш. Бу йўналишдаги қўллаб-қувватлаш давлат органлари ва нодавлат ташкилотларни аниқлаш ва тузиш, марказий ва маҳаллий органларнинг шу соҳадаги ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилаш, тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат дастури ва минтақавий дастурларини тузиш ва амалга оширишни ташкил этиш ҳамда бошқа ташкилий тадбирларни ўз ичига олади.
- Тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш. Бундай қўллаб-қувватлаш сармоя тўплаш, инвестицияларни жалб қилиш ва амалга оширишга қўмаклашиш, имтиёзли кредитлар беришни ташкил этиш ва уни кафолатлаш, солиқ имтиёзлари бериш, божхона тўловларидан тўлиқ ёки қисман озод қилиш, тўловларни кечиктириш, тезлаштирилган амортизацияни жорий қилиш, суғурта ишларига қўмаклашиш ва бошқа йўллар билан амалга оширилади. Республикада тадбиркорликни кредитлар ёрдамида қўллаб-қувватлаш салмоқли ўринни эгаллайди ва у тез суратлар билан ўсиб бормоқда.
- Тадбиркорлик фаолиятини, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш соҳасида қўмаклашиш. Бу йўналишда илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ташкилотларидан янги техника ва тугалланган ишланмали тадбиркорлик субъектларига беришни ташкил этиш, патент-лицензия сиёсатини ўтказиш, бозор тадқиқотларига ёрдам бериш, хом-ашё ва моддий техника ресурсларини кафолатли ажратилишини ташкил қилиш, тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш учун бизнес инкубаторлар тармоғини шакллантириш каби тадбирлар амалга оширилади.
- Тадбиркорлик субъектларини давлат буюртмаларини бажаришга жалб этиш, уларни бажариш учун турли имтиёзлар бериш ва қулайликлар яратиш.
- Ташқи иқтисодий фаолиятни қўллаб-қувватлаш. Бу соҳада ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини рўйхатдан ўтказиш, мазкур фаолиятни ахборот билан таъминлаш, мослашувчан солиқлар ва имтиёзлар

белгилаш, бошқа молиявий ёрдам кўрсатиш, ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ таваккални суғурта қилиш, маҳсулотни экспорт ва импорт қилиш тартибини белгилаш, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш, валюта жамғармалари ва бошқа жамғармалар ташкил қилиш ва улардан фойдаланиш тадбирлари назарда тутилган.

- Кичик корхона билан шартномалар тузишга кўмаклашиш. Кичик ва йирик хўжалик субъектларини бир-бирига қарама-қарши қўймасдан, улар бир-бирларини тўлдиришлари, маълум бир соҳада кичик ва йирик корхоналар биргаликда ўзаро узвий боғлиқ ягона мажмуа тарзида ишлашлари ва ривожланишлари учун зарур шароитлар яратиш сингари тадбирлар амалга оширилиши кўзда тутилади.

- Тадбиркорлик соҳасини мутахассислар ва бошқа ходимлар билан таъминлаш. Тадбиркорликнинг ахборот-маслаҳат таъминотини таҳлил этиш ва амалга ошириш.

Президентимиз Ислом Каримов “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да тадбиркорлик фаолияти учун янада кенг имконият ва эркинликлар яратиш мақсадида қатор муҳим қонунчилик ташаббусларини илгари сурди. Жумладан, янги таҳрирдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун, “Рақобат тўғрисида”, “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

Шу ўринда Президентимиз ташуббуси билан “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонун қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу қонун бизнеснинг янги тури – оилавий бизнеснинг ташкилий ҳуқуқий шаклини белгилаб берди, ушбу турдаги фаолиятни давлат томонидан рағбатлантиришни мустаҳкамлади, оилавий корхона аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, меҳнат муносабатларини

тартибга солди. Миллий анаъналаримиз ва хўжалик фаолиятининг объектив воқеаларига тўлиқ мос келадиган ушбу бизнес шакли бугун мамлакатимизда кенг қулоч ёймоқда. Янги иш ўринлари ташкил этилаётир, одамлар барқарор даромад олмақда, умуман бутун халқимиз фаровонлиги изчил юксаляпти.

Мамлакатимизда миллий иқтисодиётимиз салоҳиятини ривожлантиришда миллий хунармандчилик ва хусусий тадбиркорликнинг роли ҳамда аҳамиятини изчил оширишга доир кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ўзбекистонда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ишларини йўлга қўйиш ва амалга ошириш мақсадида бир қатор давлат органлари ва нодавлат ташкилотлари тузилган. Ҳар бирининг аниқ вазифалари белгилаб қўйилган ҳамда махсус дастурлар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг бош мақсади - кучли, рақобатбардош миллий иқтисодиётнинг яратилиши ва шунинг ҳисобидан аҳоли фаровонлигини мунтазам ошириб боришдир. Шу сабабли давлатимиз раҳбари замонавий бозор механизмлари, уларнинг самарадорлигини таъминлаш ва шу асосда мамлакатимизда барқарор бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг муҳим шартига айланган миллий хунармандчилик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганларидек, истиқлол йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар, имтиёз ва преференциялар яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш устувор йўналишга айланди.

Дастур давлатнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватловчи бозор жараёнлари асосида Ўзбекистон аҳолисининг ташаббуси, яратувчи кенг табақалари томонидан амалга оширилади.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат дастури қуйидаги тўрт қисмдан иборат.

1. Бозор инфратузилмаси, миллий ҳунармандчилик ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш шарт-шароитларини яратиш.
2. Миллий ҳунармандчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари.
3. Дастурни амалга оширишни молиявий таъминлаш.
4. Дастурнинг бажарилишини ташкил этиш.

Мазкур дастурни амалга ошириш мақсадида республикада ва ҳар бир вилоятда ҳар йили аниқ чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилади ва белгиланади ҳамда уларнинг бажарилиши мониторинг қилиб борилади.

“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат органларининг ваколатлари қуйидагича тақсимланган ва белгиланган.

Давлат бошқаруви органларининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ваколатлари қуйидагича:

- тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожлантирилиши устидан мониторингни, мавжуд муаммоларни ўрганишни ҳамда тадбиркорликнинг хусусий кафолатларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш;
- тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш;
- тадбиркорлик субъектларига молиявий, моддий-техник ва ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишга кўмаклашиш;
- тадбиркорлик субъектларига ўз маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда сотишга кўмаклашиш;
- тадбиркорлик субъектларига тегишли хабарларни етказиш ва тушунтириш ишларини, консалтинг, лизинг, суғурта ва бошқа хил хизматлар тизимини ривожлантиришни ташкил этиш;

- тадбиркорлик субъектларига кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга кўмаклашиш;
- тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган бошқа фаолиятни амалга ошириш.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ваколатлари:

- тадбиркорликни ривожлантириш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолатлари ва чораларини белгилаш;
- тадбиркорлик субъектлари учун маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича имтиёзлар белгилаш;
- тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган бошқа фаолиятни амалга ошириш.

Тадбиркорликни ривожлантиришни давлат томонидан рағбатлантириш:

- тадбиркорлик соҳасига инвестицияларни, замонавий технологиялар ва ускуналар жалб қилиш учун, шунингдек, бозор инфратузилмасини ривожлантириш учун шароитлар яратиш;
- экспорт-импорт операциялари, шунингдек халқаро кўргазмаларда ва ярмаркаларда ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишда тадбиркорлик субъектларининг иштирокини кенгайтириш чора-тадбирларини кўриш;
- тадбиркорлик субъектлари самарали фаолият юритишлари учун уларни зарур ҳуқуқий, иқтисодий, статистик, ишлаб чиқариш, технологик, илмий-техник ва бошқа хил ахборотлар билан таъминлаш;
- зооветеринария хизмати кўрсатилиши учун зарур шароитлар яратиш;
- солиқлар, йиғимлар ва тарифлар бўйича имтиёзлар белгилаш ва бошқалар.

Чунончи, 2011 йил Ўзбекистонда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилингани, бу борада тегишли Давлат дастури амалга оширилгани ҳам шундан далолатдир. Мазкур дастурни самарали рўёбга чиқариш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 24-августда қабул қилинган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида биноан, қатор янги имтиёз ва преференциялар жорий қилинди, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатлари кучайтирилди.

Соҳа субъектларини рўйхатга олиш жараёнлари соддалаштирилди, очиқлик ва ошқоралик тамойилларига амал қилиш кўлами кенгайтирилди, “ягона ойна” тамойили жорий қилинди. Энди тадбиркор ўз бизнесини ташкил қилиш учун икки кун ичида рухсат олиши мумкин. Муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш, экспорт товарларини божхонада расмийлаштириш тартиб-тамомойиллари сезиларли даражада соддалаштирилди.

Жаҳон банки ва халқаро молия вице-президенти ҳамда молия хусусий секторини ривожлантириш масалалари департаменти раҳбари Джанимитра Деван кичик бизнесни самарали қўллаб-қувватлаш иқтисодий тараққиётни таъминлашда муҳим рол ўйнашини таъкидлади. Ўзбекистонда ушбу соҳа ривожи йўлида ёрдам кўрсатиш иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш ва уни диверсификация қилишни таъминлашнинг зарур шарти сифатида белгилаган.

2012 йил июл ойида қабул қилинган “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб қоидаларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш борасидаги навбатдаги қадам бўлганидан дарак беради.

Президентимиз таъбири билан айтганда, айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда миллий хунармандчиликни жадал ривожлантиришни устувор йўналиш сифатида белгилашнинг асосий сабаби қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодиётнинг муҳим таркибини ташкил қилувчи тармоқ бўлган кичик бизнес ички бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдиришнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади.

Кичик бизнес, хусусан миллий хунармандчилик нафақат иқтисодиётдаги маълум бир бўшлиқларни тўлдиради, балки уни диверсификация қилиш ва барқарор суръатлар билан ривожланишини таъминлашда ўта муҳим рол ўйнайди.

Тадбиркорлик бизнеси, миллий хунармандчилик аҳоли бандлиги ва даромадининг ўсишини таъминлашда, айниқса, бизнинг шароитда қандай муҳим аҳамият касб этишини баҳолашнинг ўзи қийин. Қуйидаги рақамларни эътиборга оладиган бўлсак, шундай хулоса чиқариш мумкин.

Агар 2007-2013 йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида 5 миллиондан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилган бўлса, уларнинг 60 фоиздан ортиғи миллий хунармандчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келади. Бунинг натижасида иш билан банд бўлган жами аҳолининг 70 фоиздан кўпроғи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда.

Иккинчидан, тузилишига кўра ихчам, қарорлар қабул қилишда тезкор ва ҳаракатчан янги тартиб қоидаларини қисқа муддатда ўзлаштирадиган кичик бизнес, жаҳон ва минтақалар бозорларидаги талаб ва конъюнктура ўзгаришларига анча тез мослашади.

Учинчидан, кичик бизнесни ташкил қилиш ва юритиш катта харажат ҳамда капитал қўйилмаларни талаб этмайди. Бу эса ишлаб чиқаришни тез ва осон модернизация, техник ҳамда технологик қайта жиҳозлаш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, уларнинг

номенклатурасини мунтазам янгилаб бориш ва рақобатбардошлигини таъминлаш имконини беради.

Тўртинчидан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таҳдид ва салбий оқибатларига йирик корхоналарга нисбатан ушбу соҳанинг бардош бера олиш қобилияти анча юқоридир.

Фақат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришнинг ҳамда ушбу соҳанинг мамлакатимиз иқтисодиётида устувор мавқега эга бўлиши натижасида биз 2008-2009 йилларда глобал инқирознинг салбий оқибатларини ортиқча қийинчилик ва талофатларсиз енгиб ўтишга, ишлаб чиқаришни жаҳон бозори конъюнктураси ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда қисқа муддатларда қайта ташкил этишга муваффақ бўлдик.

Саноатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тармоғининг ўсиш суръатлари 2008-2009 йилларда ўртача 23-24 фоизни, хизматлар ва сервис соҳасининг ўсиш суръатлари эса 15-16 фоиздан кам бўлмаган кўрсаткични ташкил этди.

Бешинчидан, кичик тадбиркорлик нафақат даромад манбаи, балки одамларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятини рўёбга чиқариш воситаси ҳамдир. Мазкур соҳа ҳар бир кишига ўз истеъдоди ва имкониятларини намоён этиш учун замин туғдирмоқда, шу тариқа ташаббускор, омилкор, мустақил фаолият юрита оладиган, ўз олдига қўйган мақсадларига эришишга қодир инсонлар тоифасини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўрта синфни шакллантириш учун мунтазам кенгайиб бораётган база бўлиб хизмат қилмоқда. Ўрта синф эса, маълумки, ҳар қандай демократик жамият асоси.

Дастур лойиҳасида 2013 йилда 973 мингта, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига – 485,5 мингта, касаначиликнинг турли шакллари кенгайтириш ҳисобига – 218,4

мингта, йирик ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ва қайта тиклаш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма, қишлоқ хўжалиги ҳисобига – 268,8 мингта янги иш ўринларини яратилди. Ёшларни, энг аввало касб-ҳунар коллежлари 2012/2013 ўқув йили битирувчиларини ишга жойлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Дастур лойиҳасининг асосий йўналишлари ва кўрсаткичларини кўриб чиқиш давомида ҳокимият, хўжалик бошқаруви органлари, корхоналар, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари эътибори янги иш ўринларини яратиш кўрсаткичларига эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлигига, аҳоли бандлигини ошириш масалаларини амалий ҳал этишга ва шу асосда одамларнинг даромадларини, фаровонлигини ва ҳаёт сифатини янада оширишга қаратилди.

II -БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

Ўзбекистонда ишбилармончилик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш, корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ тартиб-тамойилларининг барча турларини қисқартириш, соддалаштириш ва очиқ-ойдинлик даражасини ошириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимиз миллий ҳунармандчилик ва шу жумладан, Қашқадарё вилоятида миллий ҳунармандчиликнинг ҳозирги ҳолати, ривожланиш динамикаси таҳлил қилинди. Монографик ўрганишлар Шаҳрисабз туманида жойлашган “Кохи-нур” МЧЖда миллий ҳунармандчиликнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш тенденциялари ўрганилди ҳамда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Қашқадарё вилояти миллий ҳунармандчилик уюшмаси мисолида миллий ҳунармандчиликнинг аҳоли бандлигига таъсири, аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигининг оширишига таъсири таҳлил қилинди ҳамда асосланган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Миллий ҳунармандчилик фаолиятини давлат томонидан йўлга қўйиш ва уни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ўрганилди ва таклифлар берилди.

III –БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Миллий ҳунармандчиликнинг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари ва омиллари

Тадбиркорлик бозор иқтисодиётига хос иқтисодий фаолиятдир. Бошқача айтганда, у муайян ижтимоий-иқтисодий натижага эришиш мақсадида товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва айирбошлашни ташкил этиш бўйича мулкдорларнинг ёки улар вакилларининг онгли ва мақсадли иқтисодий фаолиятидир. “Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунида тадбиркорликка қуйидагича таъриф берилган: “Тадбиркорлик - мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулккий жавобгарлик асосида амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишдир”.

Тадбиркорликнинг моҳияти қуйидагилар орқали янада ойдинлашади:

Биринчидан, тадбиркорликнинг субъекти ким бўлиши мумкин? Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонунга мувофиқ балоғат ёшига етган ҳар бир фуқаро ўз мулки асосида ёки мулк эгасининг ваколати асосида ўз ихтиёр этган қонунга зид бўлмаган фаолият тури билан шуғулланиши мумкин.

Иккинчидан, юқоридаги таърифда тадбиркорликнинг яна бир томони мазмуни ифода этилган бўлиб, у мазмунан бой, хилма-хил кўринишга эга. Тадбиркорлик фаолиятини танлаш, уни ташкил этиш ва ривожлантириш моҳияти жиҳатидан давлат, жамият аҳамиятига молик иш бўлмасдан, балки эркин танланадиган фаолиятдир.

Тадбиркорлик фаолиятининг уч тури ва унга мос равишда тадбиркорларнинг 3 гуруҳини алоҳида кўрсатиш мумкин: янги товар ёки хизмат лойиҳасини ташкил этиш. Тадбиркорликнинг бу тури билан интеллектуал мулк эгалари инновация тадбиркорлари шуғулланади.

Товар ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан шуғулланувчи тадбиркорлар.

Товарни сотиш, қайта сотиш ва тижорат ишларини ташкил этиш билан шуғулланувчи тадбиркорлар.

Учинчидан, мақсад жиҳатидан тадбиркорликнинг икки турини:

- а) фойда олишни, иқтисодий самарага эришишни мақсад қилган;
- б) ижтимоий самарага (масалан, табиат муҳофазаси, ёш авлод тарбияси, соғлиқни сақлаш) эришишни мақсад қилган турларини ажратиш мумкин.

Тадбиркорларга хос хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

- Шуғулланаётган соҳа бўйича илм, билимга эгаллиги.
- Таваккалчиликка асосланган қарорлар қабул қилиш бўйича ташаббускорлик қобилияти.
- Иқтисодий жараёнларни чуқур фикрлай олиш.
- Қонунларга итоаткорлиги.
- Инновациячиликнинг фаоллиги.
- Мақсад сари интилувчанлик.
- Ташкилотчилик.
- Тежамкор бўлиши.
- Ўз сўзининг устидан чиқиш.
- Рухий поклик ва ҳалоллиги.
- Ўз жамоаси учун курашувчанлик.

Тадбиркорликни ривожлантириш учун қуйидаги шарт-шароитлар талаб этилади:

Мулк муносабатларининг уйғунлашуви. Бозор иқтисодиёти шароитида мулк муносабатлар уч жиҳати билан белгиланади:

- эгалик қилиш, яъни мулк эгаси сифатида мулкка тўла ҳукмронлик қилиш: сотиш, ижарага бериш, ҳадя этиш;
- фойдаланиб туриш, яъни мулк эгасининг назорати асосида маълум шарт ва тўлов эвазига мулкдан вақтинча фойдаланиш;
- оператив тезкор бошқаришни, янги мулк эгасининг назорати остида ресурсларни тақсимлаш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича мулкни бошқариш ҳуқуқини жорий этиш.

Миллий ҳунармандчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Булар қуйидагилардир.

Корхоналар йириклашуви тенденциясининг пасайиши. АҚШда яқин 15-20 йил ичида корхоналарнинг йириклашуви тенденцияси пасаяди. Бу асосан, хизмат кўрсатиш соҳасидаги силжишлар билан боғлиқ. Албатта, бу хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият масштабини кенгайтириш имкони пастлиги билан белгиланади. Ҳозирги пайтда хизмат кўрсатиш соҳасидаги кичик корхоналар йирик рақобатчиларга нисбатан айрим юмушларини самарали ташкил қила олмоқдалар. Бу биринчи навбатда бошқариш тизимининг соддалиги ва ихчамлиги билан боғлиқдир.

Аёллар иш кучининг иқтисодга кириб келиши. 80-йилларнинг ўзидагина 2 млн. аёллар ўз иш жойларини очдилар. Ҳозир АҚШ да 4-5 корхона аёлларга тегишли бўлиб, улар мамлакатдаги жами кичик корхоналарнинг 30 фоизини ташкил этади. Бу тенденция давом этса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда аёллар ва эркаклар сони тенглашади.

Йирик ишлаб чиқаришда ходимларнинг қисқариши.

Бу айрим жиҳатдан демографик омиллар билан боғлиқ. Жумладан, “демографик портлаш” даврида туғилганлар ҳозирги 30-40 ёшга, яъни ўз ишини мустақил бошлаш вақтига етдилар. Бундан ташқари, йирик корхоналарда иш ўрни учун кураш, ўрта бўғин ходимларнинг қисқарилиши бевосита кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига таъсир кўрсатади.

Янги корхоналар очиш суръатининг ортиши. АҚШда ҳар йили ўртача 200 мингга яқин аҳоли ўзининг фирмасини очади. Уларнинг ярмидан кўпи 20 минг доллардан кам оборот билан ўз фаолиятларини бошлайдилар. Уларнинг қарийиб 75 фоизини ўз фирмаларида 50 соат ишлайдилар, 25 фоизи эса, 70 соат ва ундан ортиқ ишлайдилар. Қарийиб 2/3 қисми янги бизнесни бошловчилар янги ёки бошлаётган компаниялар ҳисобланадилар. Яъни, улар амалда ишлаётган корхоналарни сотиб олмаганлигидан ўзлари хусусий бизнесни бошлайдилар. Уларнинг 80 фоизидан ортиғи ўз ишларини ўта самарали ғояни эмас, балки оддий ишларни тартибли ҳал қилиш билан бошлайдилар.

Демак, миллий ҳунармандчилик, кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожланишига таъсир этувчи омилларни умумлаштирсак, улар қуйидагилардан иборат:

- Корхоналар йириклашуви тенденциясининг пасайиши;
- аёллар иш кучининг иқтисодиётга кириб келиши;
- йирик ишлаб чиқаришда ходимларнинг қисқариши;
- янги корхоналарни очиш суръатининг ортиши ва бошқалардир.

Миллий ҳунармандчилик ва тадбиркорлик иқтисодиёт субъектларининг мавжуд иқтисодий, табиий, меҳнат ва ақлий салоҳиятлардан самарали фойдаланиб, юқори пировард натижаларга эришиши билан тавсифланиб, бозор муносабатлари ривожланиши жараёнида иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланади.

Кичик бизнес фаолиятининг вазифаси фойда олиш, юқори рақобатбардошликни таъминлаш, хўжалик юритишни такомиллаштириш ва кенгайтиришга эриша олишга асосланади. Ривожланаётган бозор шароитларида тадбиркор ўзининг бўлажак фаолиятини танлашда бозор фаолияти ва ундаги ўзгаришлари тажрибаларига амал қилади, акс ҳолда, фаолияти самарасиз якунланади. Бундай ҳолат кичик бизнес фаолиятининг нофаоллиги билан тавсифланади.

Пировард натижада муайян бир тадбиркорлик фаолиятининг бозор тизимидаги мавқеи ва бозордаги фаоллик кўрсаткичларини баҳолаш имконияти туғилади.

Ушбу ўзгаришларнинг ижобийлиги ёки салбийлигини уларнинг кичик бизнес ва тадбиркорлик фаоллигига таъсир доирасини баҳолаш учун маълум мезонлар ишлаб чиқишни тақозо этади. Ушбу ёндашув кичик корхоналарнинг самарадорлигини ошириш ва бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритиш кўникмаларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий нуфузини оширишга қаратилган маркетинг тадбирларини олиб бориш орқали корхона фаолияти нуфузи тўғрисида аниқ маълумот олиш имкониятини беради.

Корхонанинг ижтимоий нуфузи деганда, унинг ўз манфаатлари учун эмас, балки жамоатчилик ва истеъмолчилар манфаатлари, ҳудуд ва бошқа ижтимоий манфаатларини инобатга олган ҳолда, иқтисодий фаолият кўрсатиши, иқтисодий нафлилиги назарда тутилади. Корхоналарнинг иқтисодий нафлилиги деганда эса, мазкур корхонанинг ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш эвазига кўрадиган даромади ҳисобидан турли эҳтиёжларни қондира олиш хусусияти тушунилади.

Юқорида келтирилган кўрсаткичларга асосланиб, биз миллий хунармандчилик ва кичик бизнес субъектлари фаолиятининг сифат даражаларини, уларнинг иқтисодий нафлилиқ ҳолати ва даражасини миқдорий ўлчаш йўли билан аниқлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Фаолиятни юритиш ва бошқаришда мавжуд кўрсаткичлардан фойдалана олиш хусусияти ва эҳтиёжларнинг қондирилиши кўлами бўйича корхоналар даромадларини қуйидаги иқтисодий нафлилиқ ҳолатига қараб ажратамиз:

- иқтисодий ночор фаолият;
- корхона эгасининг манфаати даражасидаги нафлилиқ, яъни иқтисодий етук фаолият;

- корхона эгаси ва ёлланма ишчилар манфаати даражасидаги нафлилик, яъни иқтисодий ривожланган фаолият;
- ижтимоий нафлилик, яъни истиқболли фаолият;
- қўшилмаган нафлилик, яъни ноқонуний тадбиркорлик йўли билан олиб борилган фаолият.

Ҳар бир эришилган даражанинг ўзига хос бўлган таснифлари мавжуд бўлиб, улар кичик бизнес фаоллигини оширишда таҳлилий-меъёрий кўрсаткичлар орқали фаолиятнинг мезони сифатида баҳолаш имконини беради.

Тадбиркорлик фаоллигини ошириш объектив зарурат эканлигини иккита талаб: биринчидан, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, ижтимоий бойлик ва турмуш даражаси, маълумот ва маданий савия ўсиши натижасида инсонларнинг эҳтиёжи доим кенгайиб бориши бўлса, иккинчидан, техника-технологиянинг ривожланиш жараёнида меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши, маҳсулот сифатининг юқори бўлишини фақат инсонлар учун тегишли шарт-шароит яратилгандагина таъминлаш мумкинлиги тақозо этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида инсон ишлаб чиқаришнинг асосий омилига айланиб, тадбиркор шаклида мулк эгасига айланади. Биз, шу сабабдан, тадбиркорликнинг фаоллашувига таъсир этадиган инсон омилини иқтисодий нуқтаи-назардан ўрганиб чиқишни тўғри йўл деб ҳисоблаймиз. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришнинг инсоний омили сифатидаги тадбиркорлик қобилиятининг шаклланиши ва уни ишчи кучидан ажралиб айирбошлаш предметига айланади. Инсонни иқтисодий субъект тарзидаги қиёфаси тўртта даражада шаклланади: ишчи кучи сифатида, аниқ меҳнат субъекти сифатида, тадбиркор сифатида, менежер сифатидаги инсон қиёфасида.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, кичик бизнеснинг самарали ривожланишига эришиш учун зарур тадбиркорлик фаоллиги таъминланишининг ташкилий-иқтисодий асосларини

такомиллаштириш зарур. Фикримизча, тадбиркорликнинг ривожланишига таъсир қилувчи бешта омил мавжуд, шу жумладан, рўйхатдан ўтказиш, давлат назорати, банклар, солиқлар, экспорт–импорт. Ушбу жараёнларнинг мукамал равишда амал қилиши тадбиркорликни ривожлантиради ва тадбиркорлик муҳитини яхшилаш имконини беради. Бозор иқтисодиёти шароитида бозор иқтисодиёти институтлари фаолиятларининг қанчалик такомиллашиб бориши тадбиркорлик фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган муаммо ва қаршиликларнинг камайишига хизмат қилади. Бундай институтларнинг фаолиятлари тадбиркорлик фаоллигини ошириш имконини берадиган механизм бўлиб ҳаракатга келади. Бизнеснинг муваффақияти устун даражада, юксак профессионал даражадаги мустақил аудитни, суғуртанинг замонавий шакллари ривожлантиришга боғлиқ.

Мамлакатимизда миллий ҳунармандчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий кўрсаткичлари жаҳон мамлакатлари даражасига яқинлашиб бораётганлиги ушбу соҳага жиддий эътибор ва фаолият кўрсатиш учун зарур шарт-шароитлар яратилганлигидан далолат беради. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаги, кичик бизнесни ривожлантириш орқали аҳоли бандлик даражасини ошириш муаммоси ҳал этиб борилмоқда.

Тадбиркорлик ривожланиши жараёнида жамият аъзоларининг даромадлари оширилиши учун моддий асос яратилди. Масалан, 2000 йилда кичик бизнес томонидан 302000 янги иш ўринлари яратилган бўлса, 2007 йилда ушбу кўраткич 513700 тани ташкил этди. Республикамизда яратилаётган янги иш ўринларининг 90 фоизи кичик бизнес ҳиссасига тўғри келади. Миллий ҳунармандчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ишловчиларнинг умумий бандликдаги улушини ривожланган мамлакатлар кўрсаткичларига таққосласак, умумий бандликдаги улуши Францияда 56,6%, Буюк Британияда 55,0%, АҚШда 50,1%, Канадада 47,1%, Ҳиндистонда 45,0% каби ривожланган мамлакатлари даражасидан ҳам юқорироқ яъни, 72,3% га эришилгани

кичик бизнеснинг Ўзбекистон иқтисодиётидаги ўрни юқори эканлигини кўрсатмоқда.

Миллий ҳунармандчилик ва кичик бизнес субъектларини ривожлантиришдан кўзланган мақсад унинг ЯИМдаги ҳажмини ошириш баробарида аҳоли фаровонлигини таъминлашдан иборатдир.

Мамлакатимизда миллий ҳунармандчилик ва кичик бизнес субъектларининг ЯИМ даги улуши тараққий этган давлатларнинг кўрсаткичларидан 45,7% паст эканлигини кўрсатмоқда.

Олиб борилган тадқиқотлар мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, шунингдек миллий ҳунармандчилик соҳасида ўлкан ютуқлар қўлга киритилаётганига қарамасдан, яратилган имкониятлардан ҳали тўлиқ фойдаланилмаётган жиҳатлар мавжудлигидан далолат беради. Ўзбекистон аҳолисининг ҳар 1000 нафарига 16,2 бирлик кичик бизнес корхонаси тўғри келса, Европа Иттифоқи давлатларида аҳолининг ҳар 1000 нафарига 37-46 бирлик кичик корхона тўғри келади. Демак, республикаимизда корхоналар сонининг ўсишига қарамай, ҳали уларнинг тараққий этган мамлакатлар даражасига етмаганлигини кўриш мумкин. Кичик бизнес субъектларини тармоқ таркибидаги улушида ўзгариш юз бермоқда.

Миллий ҳунармандчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар, уларга бир қатор солиқ ва кредит имтиёзларининг берилиши ушбу соҳанинг янада ривожланишига имкон яратди. Шунингдек, кичик бизнес соҳасида аҳоли бандлигини янада ошириш борасида аҳамиятга молик ишлар бажарилди. Жумладан, 2009 йилда кичик бизнесда иш билан банд бўлганларнинг жами иш билан банд бўлган аҳоли таркибидаги улуши 74,8 фоизга етди. Шу боис, кичик бизнес, хусусан миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришнинг мақсадли ҳудудий дастурини минтақа хусусиятига мос равишда ишлаб чиқиш ва унда йирик корхоналар билан кичик бизнес субъектларининг ўзаро интеграциясига

эришишда йирик саноат корхоналари таркибида кичик бизнес субъектларини ташкил этишни режалаштириш мақсадга мувофиқдир.

Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес, шунингдек миллий хунармандчилик субъектларининг ҳолати ва истиқболларини аниқ баҳолашда анкета-сўровнома маълумотлари муҳим ахборот манбаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Кичик бизнес, жумладан миллий хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва унинг фаоллигини оширишни омилли баҳолаш бўйича сўровнома ўтказилди. Тадқиқотнинг асосий вазифалари кичик бизнес ва миллий хунармандчилик субъектлари фаолиятини ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни, аҳолининг тадбиркорликка бўлган мойиллиги ва қарашларини аниқлаш ва маълумотлар орқали таҳлил қилиш асосида кичик бизнеснинг тадбиркорлик фаоллигини янада ривожлантириш учун истиқболли режалар тузишдан иборатдир.

Кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, келгусида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган ёки айти пайтда тадбиркорлик билан бевосита шуғулланаётган кишилар ўртасида танлама-кузатув асосида сўровнома ўтказилди. Жумладан, сўровномадаги “Сизнингча, тадбиркорлик, қандай тавсифланади?”, – деган саволга берилган жавоблар вариантлари таҳлилига кўра, кичик корхона раҳбарлари томонидан қўшимча маблағ топиш (40%), фермер хўжаликлари раҳбарлари бойликка интилиш (54%), деб тафсифлайдилар.

Тадбиркорликнинг бойлик жамғариш мақсадида тижорий фаолият сифатида баҳоланиши юқори кўрсаткични ташкил этган. Замонавий тадбиркорликнинг ҳаракати фақат иқтисодий мақсадлар билан чегараланмайди ва жамиятдаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилишдаги ўз ҳиссаларини қўшиш жиҳатлари билан ҳам аҳамиятлидир.

Миллий хунармандчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаоллиги ўзига хос омиллар таъсирида содир бўлади. Ваҳоланки, барча

соҳаларда ишлаб чиқариш фаоллиги тенглашса, ижобий натижаларга эришилади.

Бизнинг инерцион-даврийлик ҳисобларимизга кўра, 2015 йилга бориб республика бўйича кичик бизнеснинг ЯИМ ҳажмидаги улушини 61,1% га етказиш учун кичик тадбиркорлик субъектлари йиллик маҳсулот ишлаб чиқаришининг ўсиши 2,5% дан кам бўлмаган даражаси таъминласа, ушбу кўрсаткичга эришиш мумкин. Мамлакатимизда 2000-2013 йиллардаги иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили ЯИМ нинг бир йилдаги ўсиши 1,8% га тўғри келганини кўрсатди.

Республикаимиздаги корхоналарнинг ЯИМдаги улушини ошириш учун тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш борасидаги ривожланган мамлакатлар илғор тажрибасидан мамлакатимизнинг миллий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Масалан, Италия иқтисодиётининг турли соҳаларида фаолият юритаётган кичик бизнес корхоналарини технологик жиҳатдан бирлаштиришнинг ташкилий шакли «конstellляция»нинг аҳамияти алоҳида эътироф этилади. Бунда бир-бирига боғлиқ бўлган мураккаб, тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришда чекланган миқдордаги кичик корхоналар ўзаро бирлашиб фаолият юритади. Бундай ташкилий шаклда бирлашган кичик корхоналардан бири маҳсулот тайёрлаш жараёнини бажарса, бошқалари технологик жараён учун масъул бўладилар, баъзилари эса савдо билан шуғулланадилар. Натижада, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш муаммоси ҳал бўлади, ишлаб чиқариш кўлами ҳам кенгаяди. Бундай жараёнда етакчиликни конstellляцияда охириги босқичдаги ишларни бажарадиган корхона амалга оширади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини яқин келажакдаги ривожланиши асосан кичик бизнес субъектларининг фаол ривожланиши эвазига рўй беради. Бу эса улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдорининг ўсиш динамикасини таъминлайди.

Мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро алоқа ва тақсимотнинг миқдорий жиҳатдан ёритилишида эконометрик усулнинг қўлланилиши кўрсаткичлар ўртасида ўзаро боғлиқлик қонунияти мавжудлигини аниқлашга имкон беради.

Эконометрик регрессия тенгламаларининг эгилувчанлиги экзоген ўзгарувчиларининг турли комбинациялари орасидан чегаравий башорат қийматлари чекланмайдиган ва натижалар яхши иқтисодий талқинини берадиган турини танлаб олиш имконини беради. Шу боис, ушбу тадбиркорликнинг ривожланиш дастурлари ва прогнозининг ишлаб чиқиши ҳамда уларнинг бажарилиши устидан назорат олиб бориш имконини беради. Эконометрик таҳлил натижалари орқали республикада кичик бизнес ривожланишининг истиқбол кўрсаткичлари аниқланди.

Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес, жумладан миллий ҳунармандчилик субъектлари сони яратилаётган янги иш ўринларининг ўзгариши республика аҳолиси сони ва кичик бизнесда банд бўлган аҳолининг моддий манфаатдорлиги ўртача маош кўрсаткичига боғлиқ. Бундай моддий манфаатдорлик республика ялпи ички маҳсулотида миллий ҳунармандчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг ўсиб боришига таъсир кўрсатади. Бунда, тақсимот муносабатларини такомиллаштириш, кичик бизнесда банд бўлган аҳолининг даромадларини ўстириш ва уларнинг рағбатлантирувчанлик ролини ошириш мутаносибликни таъминлайди.

Фикримизча, миллий ҳунармандчилик ва кичик бизнес субъектларининг тадбиркорлик фаоллигини оширишнинг йўналишларини икки гуруҳга бўлиш мумкин: а) тадбиркорлик имкониятларини ишга соладиган йўналишлар; б) бизнес фаолияти натижаларини яхшилашга қаратиладиган йўналишлар.

Биринчи гуруҳ йўналишлари қуйидагилардан иборат: миллий ҳунармандчилик ва кичик бизнеснинг ҳуқуқий-меъёрий ва ташкилий асосларини иқтисодиётда турли омиллар таъсирида рўй бераётган

Ўзгаришларга мос равишда узлуксиз такомиллаштириб бориш, давлат томонидан миллий ҳунармандчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш механизмлари самарадорлигини ошириш; бу борада хорижий мамлакатлар тажрибасидаги янги механизмларни амалиётда қўллаш, кичик бизнесни молиявий жиҳатдан таъминлашдаги механизмлар самарадорлигини ошириш ва молиялаштиришнинг янги манбаларини жалб этиш негизида қулай инвестиция муҳитини яратиш; миллий ҳунармандчилик ва кичик бизнесни ташқи иқтисодий фаолият механизмларини такомиллаштириш ва кичик бизнес соҳаси учун малакали кадрлар тайерлаш, кичик бизнесда кооперацияни чуқурлаштириш.

Иккинчи гуруҳ йўналишларига қуйидагиларни киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: миллий ҳунармандчилик ва кичик бизнесда менежмент сифатини яхшилаш, корпоратив бошқарув тизимини қўллаш, кичик бизнес субъектларининг инновацияларини яратиш ва ўзлаштиришга мойиллигини ошириш; маркетинг усулида хўжалик юритишни йўлга қўйиш, инсоннинг тадбиркорлик қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш, фойда ҳисобидан бизнес қийматини кўпайтириш эвазига янги ишчи ўринларини яратиш; маҳсулот (иш, хизмат) сифатини яхшилаш, миллий ҳунармандчилик ва кичик бизнесда ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг моддий таъминотини такомиллаштириш, таваккалчиликни олдини олиш ва суғурталашни йўлга қўйиш орқали кичик бизнес субъектларининг ижтимоий нафлилик даражасини ошириш, ишчи-ҳодимларни рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш; корхона жойлашган ҳудудни инфратузилмасини ривожлантиришга ҳисса қўшиш; тадбиркорликни электрон бизнес кўникмаларини ривожлантириш.

3.2. Миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари бозорини ташкил этиш ва ривожлантириш

Ривожланган мамлакатларда кичик ва ўрта бизнес фаолиятида маркетинг муҳим ўрин тутди. Маркетингнинг асосий мақсади - бозорнинг конъюнктурасига (ҳолатига) баҳо бериш ва ривожланиш истикболини ишлаб чиқишдан иборат. Бозорни ўрганишнинг қуйидаги йўналишлари мавжуд:

- товарларни ўрганиш;
- харидорларни ўрганиш;
- рақибларни ўрганиш;
- бозорни географик жойлашишини, ҳажмини ўрганиш;
- рақобатнинг шиддатини ўрганиш ва бошқалар.

Бозорни комплекс тадқиқ этиш тадбиркорга ҳатоларга йўл қўймаслик, хўжалик масалаларида бир қарорга келишда таваккални камайтиришга ёрдам беради. Иқтисодий конъюнктура тадқиқоти товар айрибошлаш соҳалари ва уларнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнини бошқа босқичлари билан алоқаларини ривожлантиришнинг умумий қонуниятларини ўрганади. Товар бозорида юз бериши мумкин бўлган вазиятни олдиндан тахмин қилишга қаратилгандир.

Таниқли япон бизнесмени Кадзума Татеиси тадбиркорлик фаолияти ютуқларининг қуйидаги шарт-шароитларини кўрсатиб беради:

- аниқ дунёқараш;
- компания мақсадларини инсон омили билан боғлаш;
- даромадларни тўғри тақсимлаш;
- корпоратив кайфияти (ҳамкорликдаги мулкчилик);
- умумий манфаатдорлик сиёсати;
- олди-сотди бозори истикболи (янги товарлар);
- янги ўзига хос технология;

- самарали раҳбарлик;

"Омрон" корпорацияси асосчиси ва унинг ярим асрлик раҳбари сифатида у ушбу корпорациянинг менежментлик фалсафасини ишлаб чиқади. У бенуксон иш жойини тўртта характерли хусусиятларини:

- жозибадорлик;
- қобилиятли ходимларнинг мавжудлиги;
- сотиб олувчилар талабини қондириш;
- меҳнати ва қунти учун етарлича рағбатлантириш.

Менежментнинг учта бош вазифасини:

- сотиб олувчилар талабини ўрганиш;
- ҳар бир ходимни обрўйига қараб баҳолаш;
- беллашиш жасоратини мукофотлаш.

Учта асосий қисқа муддатли мақсадларни:

- фойда таркибини тиклаш;
- янги жамият талабига жавоб бера оладиган инфраструктурани яратиш;
- корпоратив фаолиятини активлаштиришни кўрсатиб берди.

Бундан ташқари, Кадзума Татеиси оператив фаолиятнинг қуйидаги бешта тамойилини белгилади:

- ўрта муддатли ва узоқ муддатли режалар асосида барча ишларни бажариш;
- устунликка эга бўлган томонга йўналтириш;
- тадбирни ўтказишнинг реал муддатларини белгилаш;
- оммавий юқори даражага кўтариш;
- муносабатларда виждонлилик ва камтарлик.

Юқоридагилардан фойдаланиш Ўзбекистонлик тадбиркорлар учун ҳам фойдали.

Истеъмолчиларнинг ишлаб чиқарилаётган ва таклиф қилинаётган товарларга бўлган эҳтиёжларини қондира олиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарф қилинган харажатларнинг қопланиши ва фойда олинишини таъмин этувчи жараён бозорда содир бўлади. Бозор ишлаб

чиқарилаётган ва сотилаётган товарларга истеъмолчилар эҳтиёжларини қондира олиши ва бундаги сарф-харажатлар асослилигини аниқлаб берувчи асосий мезон ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай корхона, тадбиркор ўз фаолиятини белгиланган мезон талабларига мувофиқ ҳолда ташкил этишга мажбур бўлиб, бу ерда маркетинг тизимидан самарали фойдаланиш ҳисобига бозорнинг асосий субъекти ҳисобланган истеъмолчининг эҳтиёжлари, талаб-истаклари, дидларини жуда кўплаб омиллар асосида шаклланиши ва қарор топишини ўрганиш жуда муҳимдир. Чунки, уларнинг қизиқиши, у ёки бу нарсани ёқтириши, ўзлаштириши, шунингдек, бозордаги хатти-ҳаракатида кескин фарқлар мавжудлиги туфайли ҳам истеъмолчининг турли даражадаги эҳтиёжларини тўла қондириш мақсадида, ҳар бир товарнинг хилма-хил турларини ишлаб чиқариш зарур бўлади. Айниқса, аҳолининг маълум бир гуруҳлари томонидан жуда ҳам эъзозланадиган, юқори даражадаги нафисликни талаб қиладиган, уларнинг дидлари ва истакларига ўрнаша оладиган зардўзлик маҳсулотлари бозорида аниқ сегментлар учун маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг савдосини йўлга қўйиш маркетинг тизимида жуда зарурдир. Бу эса бозор сегментлари, унинг моҳиятидан ўринли фойдаланиш эркин хўжалик юритишга ҳаракат қилаётган субъектлар фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди.

Миллий ҳунармандчилик ва хусусий тадбиркорликда истеъмолчилар учун қанча маҳсулот ишлаб чиқаришни билиш, уларнинг эҳтиёжлари, урф-одатлари ва яна бошқа кўплаб ҳислатларини ўрганиш ва шу асосда уларни гуруҳлаштириш орқали аниқ харидорларга мўлжалланган мақсадли бозор сегментларини шакллантириш ва ривожлантириш корхоналар учун зарур жараён ҳисобланади. Чунки истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондириш йўллари маркетинг воситалари асосида бозорни сегментларга ажратиб ўрганиш тамойилларига таянади. Шунинг учун ҳам маркетинг тизимидан фойдаланган ҳолда бозорни сегментларга ажратиб ўрганиш тамойилларига

таяниш ва шу орқали ўзига жалб қилувчи сегментларни аниқлаш ва шакллантириш, истеъмолчилар эҳтиёжларини қондиришда аниқ белгиланган стратегияларга таянган ҳолда ҳар бир сегмент учун маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш заруриятини туғдиради. Бу эса, ўз навбатида, истеъмолчини аниқ бир мақсадга эришишида маркетинг тизимидан самарали фойдаланиш ҳисобига, мақсадли бозор сегментларини танлаш механизмини такомиллаштиришни назария ва амалиётга таянган ҳолда амалга ошириш йўлларини ўрганишни талаб қилади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк кунларидан бошлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка, айниқса миллий хунармандчиликка катта эътибор берилга бошланди. Натижада кичик бизнеснинг миллий иқтисодиётимиздаги улуши тобора ортмоқда ва мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида миллий хунармандчилик ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларига кенг кириб бормоқда. Уларнинг улуши қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва чакана савдода ўта юқори, саноат ишлаб чиқаришида эса бошқа тармоқлардагига нисбатан жуда паст. Чунки, саноатда асосий ишлаб чиқарувчилар йирик бизнес субъектларидир, уларнинг салмоқли қисми давлат буюртмаси асосида фаолият олиб боради. Йирик ишлаб чиқарувчилар ҳам айнан оғир саноатда, яъни ёқилғи-энергетика, металлургия, машинасозлик ва бошқа соҳаларда мужассамлашган.

Лекин, бу кўрсаткичлар мавжуд имкониятларга тўлиқ жавоб бермайди. Сабаби, глобал иқтисодиётдаги рақобат шароитида техникавий тараққиёт ва бозор конъюнктурасидаги ўзгаришларни ҳам эсдан чиқармаслик керак. Шунга мос баъзи бир анъаналарни янгилаш билан бир қаторда мамлакатимизни ресурс потенциалига жавоб берадиган мураккаб

технологияга эга истикболли соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор бериш керак.

Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»” ги қарори соҳа вакиллари фаолиятини янги босқичга кўтарувчи аҳамиятли ҳужжатлардан бири бўлди.

Бозорни сегментларга ажратиш ва унинг жиҳатларини билиш ҳозирги замон маркетингининг асосий талабларидан бири бўлиб, бозор сегментларини тўғри аниқлаш маркетинг изланишининг ҳал қилувчи шарти ҳисобланади ва ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятини туғдиради.

Бозор сегменти тушунчаси қандайдир белгилар ва маълум бир омилларни ҳисобга олиб, корхоналар томонидан асосий ва қўшимча хизматлар кўрсатиш, уларнинг истеъмолчилари, шунингдек, бевосита маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ёки хизматлар кўрсатишни ҳисобга олиб қисмлар (сегментлар)га бўлинишини англатади. Аниқ ва асосли сегментлаш – ҳар қандай корхона ёки фирманинг ўйлаб иш юритиш фаолиятидир. Чунки, бозор одатда эҳтиёжи ва истаклари турли-туман бўлган харидорлар гуруҳидан иборат. Ҳар бир шундай гуруҳ бир-биридан фарқли хусусиятларга эга бўлган бозор сегментини ташкил этади. Бозорни бундай гуруҳларга бўлиш жараёни “сегментлаш” ёки “мақсадли маркетинг” деб аталади. Маълум бир маънода сегментлаш – бу сотувчи томонидан диққатни жалб қилиш ва, ўз навбатида, бозорда ресурслардан фойдаланишни оптималлаштириш стратегиясидир.

Сегмент термини латинча “segmentum”– бўлак, яъни seg(are) кесиш+mentum (отнинг белгиси) маъноларини беради ва умумий тушунчани аниқлашга монанд бўлиб нарсаларга бўлинадиган маълум бир қисм, бўлимни ўзида ифодалайди. Биринчи бор “бозор сегментацияси” тушунчаси 1956 йилда америкалик олим У.Смит томонидан, унинг

“Маркетинг стратегиясининг муқобили сифатида маҳсулот дифференциацияси ва бозор сегменти” мақоласида ишлатилган.

Бозорни сегментлаш – эҳтиёжни қондиришга табақаланган ҳолда ёндашиш мақсадида товарларнинг турлари, моделлари, сифати, миқдорига кўра ҳар хил талаб қўядиган истеъмолчиларни гуруҳларга ажратишдан иборат. Бозор мазмунан бир қанча сегментлар доирасида ўзига хос алоҳида бир талаб намоён бўладиган мураккаб тизимли ҳодиса тарзида ўзини намоён қилади. А.Бекмуродовнинг қайд қилишича, бозор – ҳар-хил талаб-эҳтиёжни ҳоҳловчи кўплаб истеъмолчилар таркибидан ва ана шу эҳтиёжни қондиришга тайёр турган сотувчилардан ташкил топган маскан ҳисобланар экан. Шундан келиб чиққан ҳолда таъкидлаймизки, бозор амалиётининг асоси истеъмолчи ёки миқдорни аниқлаш маҳорати ва истеъмолчи эҳтиёжини қондиришдан иборатдир.

Бозорни сегментлашнинг асосий мақсади муҳим омиллар асосида корхона, фирма учун яхши даромад келтирадиган энг самарали ва маъқул сегментни топиб олишдир. Бозорни сегментлаш жараёни корхона, фирма учун стратегик аҳамиятга эга, чунки унинг фаолият соҳаси ва йўналишлари, ихтисослашиш чегаралари, танланган сегментларда эса мақсадга эришиш воситалари, усуллари, тадбирларини аниқлаб олишга хизмат қилади.

Дж. Эванс ва Б.Берманларнинг фикрига кўра: “Салоҳиятли бозор – аниқ товар (хизмат)га нисбатан ўхшаш эҳтиёж, етарли ресурслар ва харид қилиш имкониятларига ҳамда сотиб олишга тайёр бўлган кишилар гуруҳи”дир. В.Ерёминнинг қайд қилишича, “бозор сегменти – ўхшаш истеъмолни намоён этиётган ва истеъмол талаби яқин ёки ўхшашликка эга бўлган истеъмолчилар гуруҳи”. Истеъмолчилар қатор омилларга кўра гуруҳланиши мумкин ва уларнинг бу омилларга бўлган муносабати бозорнинг ҳақиқий чегарасини белгилайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, фикримизча, бозорни сегментлаш – сотувчилар томонидан бозорга жалб

килиш мақсадида қўлланиладиган стратегия ва, ўз навбатида, бозорда ўз ресурсларини фойдаланишдаги оптималлаштиришдан иборатдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, бозор иштирокчилари томонидан бозор салоҳияти, имконияти ўрганилмаган шароитда, улар унинг чегарасини ҳаддан ташқари кенг деб тасаввур қилади. Аммо амалда бозорни аниқлаш қуйидаги: маҳсулот ва хизматлар тури (категория); географияси, истеъмолчиларни “жисман” гуруҳлаш; ҳис қилишлик (кўринмас қўл) омилларига таянган ҳолда олиб борилади ва бу ҳолат бозор чегараси, салоҳиятини тўғри аниқлаш имкониятини беради. Бу бозорда харидорлар ва фойдаланувчиларни бир-биридан фарқлаш лозим. Чунки, уларнинг ҳаракатида, яъни маҳсулотни харид қилиш ёки қилмасликда фарқлар мавжуд.

Шунингдек, энг муҳими яна шундаки, харидор ҳисобланганларнинг фақат маълум бир қисми у ёки бу турдаги маҳсулотни харид қилиши мумкин, бошқа қисми эса умуман харид қилмаслиги мумкин. Бу фарқнинг ўлчами бўлиб, махсус маҳсулот ёки хизматларни истеъмол қилувчиларни худди шу турдаги маҳсулот ёки хизматларни умумий сотиш ҳажмидаги ҳиссаси ҳисобланади. Масалан, жами сотилган зардўзлик буюмлари бозорида энг кўп сотиладиган маҳсулот дўппи бўлиб, унинг ҳиссаси 2-4 фоизни ташкил этади.

Бу нисбатларни ўрганиш учун “Парето самараси” деб номланган усулни эслаш мақсадга мувофиқ бўлиб, унга кўра, қиймат ҳажми 80 фоизга тенг бўлган маълум бир товарни 20 фоиз истеъмолчилар харид қиладилар ва бу рақамлар бошқа-бошқа нисбатларда ҳам бўлиши мумкин.

Истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари, талаб-истаклари, дидлари, бозордаги хатти-ҳаракатларидаги фарқларига қараб табақалаш, гуруҳлаш бозорни сегментлашнинг асоси ҳисобланади.

Эҳтиёжни қондиришга табақаланган ҳолда ёндашиш мақсадида товарлар турлари, моделлари, сифати, миқдорига кўра ҳар хил талаб қўядиган истеъмолчиларни гуруҳларга ажратишдаги муҳим талаблардан

биридир. Чунки, бозор иштирокчилари бир неча турдаги сегментлар мажмуидан иборат бўлиб, ҳар бир сегмент доирасида у ўзига хос алоҳида бир талаб намоён қиладиган мураккаб тизимли ҳодисадир. Шунинг учун ҳам бозор сегментини аниқлашда жуда кўплаб омилларнинг мавжудлигига эътибор берилиши лозим.

Бозорни сегментлашнинг асосий мақсади – муҳим омиллар асосида корхона, фирма учун яхши даромад келтирадиган энг самарали, энг маъқул истеъмолчилар таркибини аниқлаб олишдан иборат. Бозорни сегментлаш жараёни корхона, фирма фаолияти соҳаси, йўналишлари, ихтисослашиш чегаралари ва танланган сегментларда мақсадга эришиш воситалари, усуллари, тадбирларини аниқлаб олиш масалаларини қамраб олади. Бу эса аниқ товар (хизмат)га нисбатан ўхшаш эҳтиёж, етарли ресурслар ва харид қилиш имкониятлари ҳамда сотиб олишга тайёр бўлган кишилар тўпламини ўзида ифодалайди. Уларнинг ҳар бири мақсадли бозор иштирокчилари бўлиши мумкин ва улар⁹ урта: оммавий маркетинг, бозорни сегментлаш, бозорни кўп ўлчамли сегментлашдай муқобил ёндашувлардан бирини қўллаш натижасида шаклланиши содир бўлади.

Мақсадли бозор сегментларнинг белгилари уларни танлаш, баҳолаш жараёнини чуқур таҳлил қилишни тақозо этади. Бу борада икки омилга эътибор бериш лозим. Биринчиси, сегментнинг умумий жалб этувчанлиги ва ўзига тортиши бўлса, иккинчиси, корхонанинг мақсадли сегментларини ўзлаштириш учун зарур ресурслардир. Бу ерда сегментнинг кенглиги, ўсиш даражаси, фойдалилиги, ишлаб чиқаришни кенгайтиришдан келадиган фойда, таваккалчилик босқичи кабилар асос ҳисобланади.

Шу билан бир вақтда янги сегментларга чиқишдан олдин корхона ўз илмий ва техник имкониятларини баҳолай олиши, ходимларининг малакавий даражаси, ресурслар мавжудлиги кабиларга баҳо бера билиши, янги сегментларга чиқиш билан боғлиқ вазифаларни ҳал қилиши, умумий маркетинг стратегияси ёки товарлар ва истеъмолчилар бўйича

табақаланган маркетинг стратегияси ҳар бир сегмент хусусиятларига мувофиқлаштирилиб, махсус хусусий стратегиялар шаклига келтирилиши мақсадли сегментларни танлаш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади.

Мақсадли бозорнинг хусусиятлари ва афзалликлари		
Асосий иқтисодий компонентлар	Анъанавий оддий сотиш	Мақсадли бозор
Ишнинг бошланғич босқичи	Товарни ишлаб чиқариш	Мақсадли бозорни аниқлаш ва танлаш
Эътибор қаратиладиган асосий объект	Товар	Истеъмолчи ва унинг эҳтиёжи
Мақсадга эришиш воситаси	Турли йўллар билан ишлаб чиқарилган товарни сотиш	Истеъмолчига керакли товарни ишлаб чиқариш, керакли вақтда ва жойга етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш, маълумотлар бериш,
Мақсад	Товарни кўпроқ сотиб, фойда олиш	Истеъмолчиларни тўла қаноатлантириб, фойдаолиш
Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи алоқаси	Истеъмолчи билан алоқа қисқа муддатли	Истеъмолчи билан доимий алоқани сақлаш ва мустаҳкамлаш

3.2.1-расм. Мақсадли бозорнинг хусусиятлари ва афзалликлари

Бозорни кенгайтиришда товарларни такомиллаштириш ва сифатини яхшилаш муҳим эканлигини эътиборга олиб, интеграцион ўсиш стратегиясини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бунда ўз дўконларини ташкил этиб, истеъмолчилар билан бевосита алоқани таъминлашга қаратилган прогрессив интеграция, шунингдек, касаначиликдан фойдаланиш имконини берадиган горизонтал интеграция стратегиялари қўл келади.

Туристик ташкилотларда маркетинг ахборот тизими фаолияти бошқарув қарорларини қабул қилиш учун сўралган маълумотларни тақдим этиш ҳисобланган асосий мақсадни амалга ошириш учун керакли ресурслар ва технологияларни бирлаштирувчи механизм вазифасини бажаради. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, маркетинг ахборот тизими тузилмаси ва унинг фаолияти имкониятлари ташкилотнинг фаолият доираси ва хусусиятларига боғлиқдир.

Шубҳасиз, маркетинг ахборот тизими элементларини ишлаб чиқиш ва уларни туристик ташкилотлар фаолиятига татбиқ этиш туристик бозор ҳолатини акс эттирувчи маълумотлардан доимий равишда тезкор фойдаланиш имкониятларини яратувчи кучли ресурс базаси, рақобатчиларга нисбатан сифатий устунликлар, мақсадли истеъмолчилар ва улар билан ўзаро тескари алоқаларни ташкил қилиш имкониятлари билан таъминлайди.

Маркетинг ахборот тизими фаолияти учун ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва унинг ҳаракатини таъминлайдиган махсус технологияларни амалга ошириш лозим. Тизимда ахборотлар ҳаракати фирманинг маркетинг муҳити ва унинг бошқарув субъектлари ўртасида ахборот оқимларини (коммуникацияларни) ташкил қилиш орқали таъминланади. Ахборот оқими – бу ўрганилаётган объектда жараёнларнинг кечиш ҳолати ҳақидаги маълумотларнинг аниқ йўналишда, яъни ахборот манбасидан ахборотга бўлган талабни қондириш мақсадида унинг фойдаланувчисига йўналтирилган коммуникациядир. Бунда

туристик оқимлар ўз хусусиятлари ва йўналишларига қараб: ички ва ташқи, кирувчи ва чиқувчи туристик оқимлар каби турларга ажратилади.

Ички ва ташқи маркетинг муҳити		Маркетинг ахборотларини йиғиш мақсадидаги коммуникациялар
Кирувчи ахборот оқимларини тизимлаштириш		
Ташқи ахборотлар (маркетинг кузатуви) тизими	Ички ахборотлар тизими	Маркетинг тадқиқотлари тизими
Ахборотларни таҳлил қилиш тизими		
Бошқарув даражаси, ҳал этилаётган масалалар тавсифи ва объектига қараб ахборотларни тизимлаштириш		Фойдаланувчиларнинг коммуникацион тизимлари
Маркетинг қарорларини таҳлил қилиш, режалаштириш, ташкил қилиш ва назорат қилиш		

3.2.2-расм. Маркетинг ахборот тизими доирасида ахборотнинг ҳаракати

Кирувчи ахборот оқимлари маркетинг оқимларини йиғиш мақсадида ташкил этилган коммуникацияларни қамраб олса, чиқувчи туристик оқимлар – ахборотдан фойдаланувчиларга тегишли маълумотларни узатиш билан боғлиқ коммуникациялардир.

Белгиланган ва киритилган шартлар ҳамда талабларга мос маҳсулотнинг ишлаб чиқилиши МАТ (маркетинг ахборот тизими) фаолиятининг асосий мақсади ҳисобланади. МАТ нинг маҳсулоти

маълумотлар базаси ёки маркетинг ҳисоботлари кўринишидаги ташкилотнинг микро, макро ва ички муҳитининг ҳолатини белгилаб берувчи маълумотлар мажмуаси ҳисобланади.

Маркетинг ахборотларини йиғиш учун ташкилот керакли ресурсларга эга бўлиши учун биринчидан, бу маълумотни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш борасида керакли билим ва кўникмаларга эга бўлган мутахассисларнинг мавжудлиги, иккинчидан, бу маълумотлар билан ишлаш усуллариининг услубий таъминоти маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш усуллариининг уларнинг сифатига таъсир этувчи асосий омиллардан биридир. Учинчидан, бу қурилмалардир. Уларнинг таркибига нафақат компьютер қурилмалари, бундан ташқари, дастурий таъминот ҳамда тадқиқот давомида маълумотларни қайта қайд этиш имкониятини берувчи махсус қурилмалар ва дастурлар керак бўлади. Шунингдек, ресурс таъминотига бўлган талаб тизим масалаларида кўрилаётган муаммолар доираси кенглигига боғлиқдир.

Маркетинг ахборот тизими ташкилот раҳбариятига оптимал маркетинг ечимларини қабул қилишда асос яратишга йўналтирилган. Бунда маркетинг ахборот тизими ташкилотда ахборотга тез ва рационал ишлов бериш ва филтрлаш имкониятини яратиб бериши лозим. Бундан ташқари, туристик ташкилотнинг самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида, маркетинг ахборот тизими маълумот манбаини айнан аниқлаш, шунингдек, маълумотни керакли ҳажмда, тегишли манзилга ўз вақтида йўналтириш имкониятини беради.

Шундай қилиб, маркетинг ахборот тизимининг шаклланиши туризм бозорида унинг субъектларининг фаоллигини оширишга, қаттиқ рақобат шароитида туристик корхоналарда замонавий ахборот таъминотини яратишга, туристик маҳсулот истеъмолчиларининг кўрсатилаётган хизматлардан қониқишини оширишга, бир сўз билан айтганда, туризм тармоғининг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, туристик ташкилотларда мавжуд ахборотларнинг

тизимлаштирилиши туристик хизматлар бозорида ахборотларнинг тартибли оқимларини вужудга келтириб, маркетинг ахборот базасини шакллантиришнинг асосий негизи бўлиб хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Қашқадарё вилоятининг бугунги шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш имконияти мавжуд. Бу соҳани ривожлантириш учун маълум даражада тажриба тўпланди ва республиканинг табиий-иқтисодий ресурс манбаларини ҳисобга олиб, келгусида миллий ҳунармандчилик ва кичик бизнес талабларига жавоб берадиган замонавий ишлаб чиқариш соҳалари шаклланади. Миллий ҳунармандчилик ҳамда кичик бизнес субъектларида самарали маркетинг фаолиятини ташкил этиш ушбу соҳанинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини оширишда янги манба бўлиб хизмат қилишини кафолатлайди.

3.3. Миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

Республикамизнинг иқтисодий тараққиёти, иқтисодий мустақиллиги, халқининг фаровон турмуш даражаси, қолаверса меҳнат ресурсларининг иш билан бандлик даражаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожини билан боғлиқдир. Бу ҳолат эса корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини рағбатлантириш даражасининг ривожланиши билан тавсифланади.

Истиқболда иқтисодиёт тармоқларида ҳам ўзгаришлар юзага келади. Бу ҳолат ҳам миллий ҳунармандчилик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши асосида бўлиб беради.

Умумий саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда истиқболда ўзгаришлар саноат соҳасига талаб натижасида содир бўлади, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналарнинг ривожланиш ҳисобига бу соҳа янада юксалади. Савдо айланмасининг тўлиқ мувофиқлашуви натижасида бу соҳада кўрсаткич улуши пасайиши содир бўлади.

Ҳудудларнинг машинасозлик ва металлга ишлов бериш, енгил саноат, айниқса, трикотаж, тикувчилик буюмлари тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган соҳаларида кичик бизнеснинг ўрни ва улуши етарли даражада эмас. Ваҳоланки барча соҳада ишлаб чиқариш фаоллиги тенглашса, ижобий натижаларга эришамиз.

Республикамизда кичик корхоналар томонидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўсишини яратилган имкониятлардан фаоллик билан фойдаланиш эвазига таъминлаш мумкин. Бизнинг ҳисобларимизга кўра, 2015 йилга бориб, республика бўйича кичик бизнеснинг ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажмидаги улушини 61,1 фоизга етказиш, кичик тадбиркорлик корхоналарининг йиллик маҳсулот ишлаб чиқаришининг ўсиши 2,5 фоиздан кам бўлмаган ҳолатдагина амалга ошади.

3.3.1-жадвал

**Республика ЯИМда ҳудудлардаги кичик корхоналарнинг ялпи
ҳудудий маҳсулотдаги улушининг истиқболда ўсиб бориши (фоиз
ҳисобида)***

Республика ҳудудлари	2000 й	2005 й	2010 й	2015 й	2015 йилда 2000 йилга нисбатан ўсиши
Ўзбекистон Республикаси	31,0	38,2	52,1	66,1	213,2
Қорақалпоғистон Республикаси	26,9	48,9	57,9	66,9	248,7
вилоятлар					
Андижон	32,9	38,7	49,9	61,1	185,7
Бухоро	33,0	44,4	51,1	57,8	175,2
Жиззах	37,1	64,4	73,0	79,8	215,1
Қашқадарё	25,8	38,4	45,8	58,4	226,4
Навои	21,5	20,9	33,5	46,1	214,4
Наманган	33,4	51,4	75,4	81,4	243,7
Самарқанд	44,3	54,5	68,3	78,9	178,1
Сурхондарё	39,1	45,9	64,8	81,7	208,9
Сирдарё	38,9	58,8	72,5	80,6	207,2
Тошкент	34,0	36,3	45,6	54,9	161,5
Фарғона	32,0	43,9	64,7	82,3	257,2
Хоразм	34,2	54,2	78,3	81,9	239,5
Тошкент ш.	41,5	54,3	70,2	79,1	190,6

** Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси асосида ҳисобланди.*

Албатта бу кўрсаткич ривожланган давлатларда, масалан АҚШ да 75-82 фоиз, Японияда 81 фоизни, Италияда 74 фоизни ташкил этади. Республикамиз кичик бизнеснинг бундай кўрсаткичларга эришиши тадбиркорлик фаоллиги орқали амалга ошади. Истиқболда кутиладиган натижалар асосан кичик тадбиркорликнинг фаол ривожланиши эвазига рўй беради. Бу эса улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдорининг ўсиш динамикасини таъминлайди (3.3.2-жадвал).

3.3.2-жадвал

Истиқболда ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик корхоналари томонидан маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши (миллион сўм ҳисобида)

Ҳудудлар	2000 й	2005 й	2010 й	2015 й	2015 йилда 2000 йилга нисбатан ўсиши фоиз
Ўзбекистон Республикаси	892573,0	956838,2	1089938,7	1223039,2	137,0
Қорақалпоғистон Республикаси	18786,6	22919,6	24982,3	27045	143,9
вилоятлар					
Андижон	70178,8	74249,1	82564,9	90880,7	129,5
Бухоро	46619,4	51934,0	55413,5	58893,1	126,3
Жиззах	31281,6	39821,3	43245,9	46670,5	149,2
Қашқадарё	61485,8	69233,0	74356,2	79479,4	129,3
Наманган	50919,4	60084,8	74505,1	88925,4	174,6
Самарқанд	67851,2	74772,0	85090,5	95409,0	140,6
Сурхондарё	82241,4	87833,5	104434,0	121034,5	147,2
Сирдарё	34155,4	40952,3	46562,7	52173,1	152,8
Тошкент	110782,4	112665,7	123143,6	133621,5	120,6
Фарғона	104838,6	117314,3	141715,6	166116,9	158,5
Хоразм	36708,7	44050,4	54666,5	65282,6	177,8
Тошкент ш.	219770,8	247901,4	287813,5	327426,6	148,9
Навоий	24940,4	25065,1	29100,5	33135,9	132,9

**Ўзбекистон статистикаси ахборотномаси асосида ҳисобланди.*

Худудлар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг истиқболда ўсиб бориш динамикасини корхоналар миқдорининг ўсиб бориш ҳолати бўйича таҳлил этсак, бу ҳолат кўшимча янги кичик корхоналарнинг ташкил этилиши ҳисобига амалга ошади.

Яратилган имкониятлардан самарали фойдаланган худудларда ялпи худудий маҳсулотнинг юқори суръатлар билан ўсиши таъминланади. Жумладан, кичик корхоналарнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш эвазига истиқболда кўзланган натижаларга эришиш таъминланади.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлиги иқтисодий фаолият жараёнлари ва унинг натижаларини акс эттирувчи кўрсаткичларда кичик бизнес улушининг юқори бўлишига ҳам боғлиқ эканлиги шубҳасиздир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши билан мамлакатимизда ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш вазифасини бевосита ҳал қилишга эришамиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим соҳага айланади.

III -БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

Ўзбекистонда иқтисодий диверсификациялаш шароитида миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини яхшилаш ҳамда солиқ, божхона тўловларини янада эркинлаштириш бўйича таклифлар берилди. Миллий ҳунармандчиликнинг истиқболда ривожлантириш йўллари ишлаб чиқилди.

Қашқадарё вилояти миллий ҳунармандчилик уюшмаси мисолида миллий ҳунармандчиликнинг турлари ва уни ривожлантириш омиллари ўрганилди ва таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Қашқадарё вилояти миллий ҳунармандчиликни иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари асосланиб берилди.

Миллий ҳунармандчиликни бўйича тайёрланаётган маҳсулотлар сифати ва уларнинг бозорини ташкил этиш ҳамда ҳорижга экспорт қилиш бўйича асосланган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

Яқин келажакда миллий ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва миллий ҳунармандчиликдан олинаётган ялпи даромадларни купайтириш ва яхшилаш бўйича таклифлар берилди.

Қашқадарё вилоятида миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришининг асосий йўналишлари очиқ берилди.

Миллий ҳунармандчиликнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, уни ошириш бўйича асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Бугунги кунда мамлакатда миллий хунармандчиликни ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида миллий хунармандчиликни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва зарур масалаларни ҳал қилиш йўл-йўриқлари кўрсатиб ўтилган. Жумладан, унинг “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз” асарида шундай дейилади: “Миллий хунармандчиликнинг атлас тўқиш, кулолчилик, дўппидўзлик, сандиксозлик, ёғоч ўймакорлиги каби турлари қадим-қадимдан ривожланган.

Бу соҳада бор имкониятлардан кенгроқ фойдаланиб, хунармандларга минни кредитлар беришни такомиллаштириш, уларга берилган имтиёзлардан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини кўриш зарур”. Бундан ташқари, Президентимизнинг бир қатор асарларида миллий хунармандчилик ва унинг асосида касаначиликни янада ривожлантириш, бу борада амалга ошириш мумкин бўлган янги имкониятлар ва унинг аҳамияти тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилган:

- хунармандчилик фаолияти (хунармандчилик) - юридик шахс бўлмаган жисмоний шахсларнинг хунармандчилик буюмлари ёки товарлари (ишлари, хизматлари)ни ишлаб чиқариш бўйича фаолият юритувчи субъект ҳисобланади;
- хунарманд (уста-хунарманд, уста) - мустақил равишда ёки шогирдлари ёрдамида махсус кўникмалар, асбоблар ва кичик механизация воситаларидан фойдаланишга асосланган анъанавий технологиялар асосида буюмларнинг функционал хусусиятларининг тарихан қарор топган талабларига ҳам миллий эстетик нормаларга жавоб берадиган хунармандчилик фаолияти буюмлари ёки товарлари (ишлар, хизматлар)ни тайёрловчи жисмоний шахс деб қаралади;

- хунарманднинг шогирди эса 15 ёшдан ошган, хунарманддан хунармандчилик фаолияти буюмлари ёки товарлари (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни ўрганаётган жисмоний шахс билан изоҳланади.

Миллий хунармандчиликнинг ривожланиши юзасидан маълум мулоҳазалар педагогика ва психология йўналишларида ҳам олиб борилган. Шунингдек, бир қатор илмий-оммабоп журнал ва ўқув-услубий қўлланма, дарсликларда миллий хунармандчиликда кадрлар тайёрлаш педагогик йўл-йўриқларининг айрим жиҳатлари кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистонда миллий хунармандчилик тарихи, бугунги зарагарлик, зардузлик, гиламдўзлик, каштачилик, мискарлик, ёғоч ўймакорлик соҳаларининг ривожланиши, касаначилик асосида миллий хунармандчиликни ривожлантириш имкониятлари, минтақаларда хунармандчиликнинг ўзига хос хусусиятлари ва тараққиёти, хунарманд аёллар фаолияти ва хунарманд усталар томонидан миллий хунармандчиликнинг жаҳон танилишининг айрим томонлари янгича асосларда ёритиб берилган.

Миллий хунармандчилик қадимий санъат турларидан бири бўлиб, Ўрта Осиё, Эрон, Туркия, Арабистон, Афғонистон ва бошқа Шарқ мамлакатларида кенг ривожланган. Айниқса, Ўрта Осиёда яратилган асарлар ўзига хос бадиийлиги, композицияси ва ишланиш услуби билан фарқ қилади.

Ҳозирги кунда халқ миллий хунармандчилиги серқуёш Ўзбекистонимизда ардоқланиб авайлаб, муҳофаза қилинаётган кўпгина ёдгорлик обидаларига кўркамлик, гўзаллик бахш этиб турибди.

Ўзбекистон Республикасида миллий хунармандчиликни ривожлантиришнинг тарихий негизлари ва ривожланиш босқичлари кўрсатиб ўтилди, ҳамда таҳлил қилинди. Миллий хунармандчиликни Ўзбекистонда тараққий топишида ўзбек ва хориж тажрибалари ўрганилди.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик фаолиятини юритиш бўйича дунё мамлакатларининг қаторидан муносиб ўрин эгалаб, муайян вақт давомида сезиларли натижаларга эришишга муваффақ бўла олган мамлакатлар қаторидан ўрин олди.

Ўзбекистонда ишбилармончилик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш, қорхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ тартиб-тамойилларининг барча турларини қисқартириш, соддалаштириш ва очик-ойдинлик даражасини ошириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимиз миллий ҳунармандчилик ва шу жумладан Қашқадарё вилоятида миллий ҳунармандчиликнинг ҳозирги ҳолати, ривожланиш динамикаси таҳлил қилинди. Монографик тадқиқотлар Шаҳрисабз туманида жойлашган “Кўҳинур Барака Кафолат” МЧЖ да ўтказилди ҳамда миллий ҳунармандчиликнинг ҳозирги ҳолати, ривожланиш тенденциялари ўрганилди, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Қашқадарё вилояти миллий ҳунармандчилик уюшмаси мисолида миллий ҳунармандчиликнинг аҳоли бандлигига таъсири ва аҳоли турмуш даражасининг ва фаровонлигининг оширишига таъсири таҳлил қилинди ҳамда асосланган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистонда иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини яхшилаш ҳамда солиқ, божхона тўловларини яънада эркинлаштириш бўйича таклифлар берилди. Миллий ҳунармандчиликнинг истиқболда ривожлантириш йўллари ишлаб чиқилди. Миллий ҳунармандчилик бўйича тайёрланаётган маҳсулотлар сифати ва уларнинг бозорини ташкил этиш ҳамда ҳорижга экспорт қилиш бўйича асосланган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Яқин келажакда миллий ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва миллий ҳунармандчиликдан олинаётган ялпи даромадларни кўпайтириш ва яхшилаш бўйича таклифлар берилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент ш., “Ўзбекистон” НМИУ, 2008 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 1 мартда қабул қилинган “Фуқаролик кодекси”.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”. Тошкент ш., 2012 йил 2 май.
4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”. Тошкент ш., 2012 йил 26 апрель.
5. Ўзбекистон Республикаси аҳоли фаровонлигини ошириш лойиҳаси. Тошкент ш., 2007 йил

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Тошкент ш., 2011 йил 4 май.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Тошкент ш., 2011 йил 24 август.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасида сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожланишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Тошкент ш., 2006 йил 17 апрел.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш ҳақида”. Тошкент ш., 2006 йил 17 май.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”. Тошкент ш., 2007 йил 21 май.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлаш ҳажмларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Тошкент ш., 2011 йил 11 март.
12. О Государственной Программе “Год малого бизнеса и частного предпринимательства”. Постановление Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2011 г., № ПП-1474.
13. “О мерах по дальнейшему кардинальному улучшению деловой среды и предоставлению большей свободы предпринимательству”. Указ Президента Республики Узбекистан от 18 июля 2012 г., № УП-4455.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. “Маънавият ва маърифат” жамоатчилиқ маркази ҳузуридаги “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”. Тошкент ш., 1996 йил 27 сентябрь.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. “Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги. Тошкент ш., 2009 йил 29 июль.
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. “Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”. Тошкент ш., 2011 йил 19 март.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Низоми. “Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида”. Тошкент ш., 2009 йил 29 июль.
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Низоми. “Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни тайёрлаш ва уларнинг амалга оширилиши устидан давлат мониторинги тўғрисида”. Тошкент ш., 2005 йил 15 ноябрь.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

19. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2007 йил.
20. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш-фаровон ҳаётимиз гаровидир. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2007 йил.
21. “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2008 йил 9 феврал.
22. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 феврал.

23. “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

24. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2011 йил 21 январь.

25. “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2012 йил 21 январь.

26. “Бош мақсадимиз-кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2013 йил 18 январь.

27. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислом Каримовнинг 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь.

28. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009 йил. – 56 б.

29. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” - Т.: “Ўзбекистон”, 2011 йил. – 440 бет.

30. Каримов И.А. “Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир”. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2013 йил.

IV. Асосий адабиётлар

31. Булатов С.С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. Ўқув услубий қўлланма. Тошкент, 1991 йил.

32. Булатов С.С. Ганчкорлик. Ўқув қўлланма. Тошкент, 1997 йил.

33. Қосимов К. Наққошлик. Т.: “Ўқитувчи”. 1992 йил.

34. Ҳасанов Э. Г., Ақромхўжаева М., Ақромходжаева Р. Каштачилик. Услубий қўлланма. Т.: “Замонавий ўқитиш воситалари ва ахборот технологиялари” илмий, ўқув-услубий ишлаб чиқариш лабораторияси. 2004 йил.

35. Маҳаллий жун хом ашёларидан ҳунармандчилик сувенир (совға) буюмларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Ўқув қўлланма. UNDP-Uzbekistan. 2013 йил.

36. Лешенко Б.А., Матмуродов Ф.М., Бекбасова А.А. Тадбиркорлик фаолиятини бошқариш асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2004 йил.

37. Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси. Ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларда инновацион тафаккурни шакллантириш. Маъруза матни. Тошкент, 2013 йил.
38. Азизов К., Қобулов З. Миллий хунармандчилик асослари. Методик қўлланма. Урганч, 2008 йил.
39. Зокирова Р. Тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес асослари. Маъруза матни. Қўқон, 2003 йил.
40. Гиёсов Ш., Тиллаев Ж. Кулолчилик. Тўғарак ўқув дастури. Тошкент, 2012 йил.
41. Рахимов М. Художественная керамика Узбекистана. Изд. Академия наук Узбекистана, 2001 г.
42. Эгамов Х. Бўёқлар билан ишлаш. Т.: “Ўқитувчи” нашриёти, 1991 йил.
43. А.Ж.Тошбоев А.Ж., Ҳасанов Б.У., Хўжамкулова Х.И. Тадбиркорлик асослари. Тошкент, 2008 йил.

V. Қўшимча адабиётлар

44. Абдуллаев А. ва б. Кичик бизнесни бошқариш. Тошкент, 2003 йил.
45. Абдуллаев А.М., Курпаяниди К.И. Роль инновационной составляющей в предпринимательстве. // Экономическое возрождение России. 2012. Т. 2.
46. Doing Business 2014. Understanding Regulations for Small and Medium-Size Enterprises. - Washington, 2014.
47. Совершенствование государственной системы поддержки МП в Великобритании в 2000-2013 гг.
48. Impact Assessment of the Business Support Simplification Programme (BSSP), 2007.
49. Қиличев У. ЎЗМУ тадқиқотчиси. Миллий хунармандчилик тарихининг тарихшунослиги. Илмий мақола. Тошкент, 2013 йил.
50. Солиев А., Усмонов А. Маркетинг: тадбиркорлик, бизнес, бозоршунослик. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1999 йил.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

51. Қашқадарё вилоятининг 2011 йилги статистик ахборотномаси. Қарши ш., 2011 йил.
52. Қашқадарё вилоятининг 2012 йилги статистик ахборотномаси. Қарши ш., 2012 йил.
53. Қашқадарё вилоятининг 2013 йилги статистик ахборотномаси. Қарши ш., 2013 йил.
54. Социально-экономическое развитие Республики Узбекистан в 2012 году. - Т.: Госкомстат, 2013.
55. Business Link - UK government's online resource for businesses.

VII. Интернет сайтлари

1. <http://cbu.st.uz>
2. <http://gkas.uz>
3. <http://www.mineconomy.cc>
4. <http://www.ziyonet.uz>
5. <http://www.barkamol.uz>
6. <http://www.businesslink.gov.uk>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ
ЮРИДИК ШАХС ТАШКИЛ ЭТМАСДАН ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ
ҲАМДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА
КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

*(қарор номи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июлдаги 225-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2012 й., 29-сон, 339-модда)
(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 30-31-сон, 347-модда; 2010 й., 23-сон, 182-модда; 2012 й., 29-сон, 339-модда; 2013 й., 52-сон, 690-модда)*

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенцияни ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2008 йил 12 сентябрдаги 207-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда оила бюджетлари даромадларини кўпайтиришнинг, иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этишнинг ва халқ ҳунармандчилигининг кўп асрлик анъаналарини сақлаб қолишнинг энг самарали воситаларидан бири сифатида оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчиликни янада ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда Савдо-саноат палатасининг фуқароларнинг ҳунармандчилик фаолиятини касаначилик меҳнати шаклларига киритиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ва ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

(2-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июлдаги 225-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2012 й., 29-сон, 339-модда)

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, «Ҳунарманд» уюшмаси билан биргаликда оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантиришни тизимли асосда мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлашни таъминласин;

Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда оилавий тадбиркорликда қатнашаётган, шунингдек ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошираётган фуқароларни, шу жумладан шогирд ҳунармандларни касаначилик билан шуғулланаётган шахс сифатида ҳисобга олишни ташкил этсин;

оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш параметрларининг янги иш ўринларини ташкил этиш ҳудудий дастурлари прогноз параметрларига киритилишини таъминласин;

2009 йил учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчиликни ривожлантириш, шу жумладан «Усто-шогирд» усули билан ўқитиш дастури бўйича уларни тайёрлаш учун 1 млрд сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилишини таъминласин.

4. Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига, «Микрокредитбанк»га ва бошқа тижорат банкларига оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчиликни ривожлантиришга, уй меҳнатини ташкил этишга белгиланган тартибда имтиёзли микрокредитлар ажратилишини кенгайтириш тавсия этилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар:

хоналарни ижарага бериш, махсус жойларни ажратиш ва обод қилиш, ҳунармандлар ишлаб чиқарган буюмлар ва товарларни сотиш учун ихтисослаштирилган дўконлар ва шохобчаларни ташкил этиш йўли билан ҳунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашсинлар;

ҳунармандчилик субъектларини маҳаллий хом ашё, материаллар, асбоблар ва кичик механизация воситалари билан таъминлашда, ҳунармандчилик буюмлари кўргазмаларини ўтказишда, ёшларни ҳунармандчилик кўникмаларига ўқитиш учун зарур шарт-шароитлар яратишда амалий ёрдам кўрсатсинлар;

меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартибига риоя қилиниши устидан назоратни таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 29 июль,
216-сон

**Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ва ҳунармандчилик
фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасида юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ва ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилайди.

(1-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июлдаги 225-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2012 й., 29-сон, 339-модда)

2. Ушбу Низомнинг мақсади учун қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

оилавий тадбиркорлик — эр-хотин томонидан уларга биргаликдаги умумий мулк ҳуқуқи билан тегишли бўлган уларнинг умумий мулки негизида амалга ошириладиган ҳамда эр-хотиннинг ва уларга ёрдам берувчи оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланган, юридик шахс бўлмаган жисмоний шахсларнинг биргаликдаги тадбиркорлик фаолияти;

оила аъзолари — эр-хотин, ота-оналар ёки фарзандликка олувчилар ҳамда 15 ёшдан ошган, шу жумладан фарзандликка олинган болалар;

ҳунармандчилик фаолияти (ҳунармандчилик) — юридик шахс бўлмаган жисмоний шахсларнинг ҳунармандчилик буюмлари ёки товарлари (ишлари, хизматлари)ни ишлаб чиқариш бўйича фаолияти;

ҳунарманд (усто-ҳунарманд, усто) — мустақил равишда ёки шогирдлари ёрдамида махсус кўникмалар, асбоблар ва кичик механизация воситаларидан фойдаланишга асосланган анъанавий технологиялар асосида буюмларнинг функционал хусусиятларининг тарихан қарор топган талабларига ҳамда миллий эстетик нормаларга жавоб берадиган ҳунармандчилик фаолияти буюмлари ёки товарлари (ишлар, хизматлар)ни тайёрловчи жисмоний шахс;

ҳунарманднинг шогирди — 15 ёшдан ошган, ҳунарманддан ҳунармандчилик фаолияти буюмлари ёки товарлари (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни ўрганаётган жисмоний шахс.

**II. Оилавий тадбиркорлик ҳамда ҳунармандчилик фаолияти субъектларини
давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни
расмийлаштириш**

3. Оилавий тадбиркорлик ҳамда ҳунармандчилик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибига мувофиқ амалга оширилади.

4. Оилавий тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида белгиланган намунадаги гувоҳнома берилади, унда якка тартибдаги фаолиятнинг оилавий тадбиркорлик шаклида амалга оширилиши, шунингдек биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи оила аъзолари кўрсатилади.

5. Оилавий тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришда оилавий тадбиркорлик субъекти номидан эр-хотиндан бири улардан биттасининг нотариал тасдиқланган розилигига кўра иш кўради.

6. Ҳунармандчилик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида

белгиланган намунадаги гувоҳнома берилади, унда ушбу Низомга *иловага* мувофиқ хунармандчилик фаолияти йўналишлари кўрсатилади.

III. Оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини амалга ошириш хусусиятлари

7. Оилавий тадбиркорликни амалга ошириш жараёнида оила аъзолари ўртасидаги ўзаро меҳнат муносабатлари, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлаш ва даромадни тақсимлаш масалалари улар томонидан мустақил равишда тартибга солиб борилади.

8. Оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан доимий ходимлар ёллашга йўл қўйилмайди. Истисно ҳолларда оилавий тадбиркорликни амалга оширишда вақтинча бир марталик ишларни амалга ошириш учун оила аъзолари ҳисобланмайдиган фуқароларнинг жалб этилишига йўл қўйилади. Бу ҳолда улар билан ишларни бажариш вақти учун фуқаро-ҳуқуқий шартнома тузилади.

8¹. Оилавий тадбиркорлик субъекти якка тартибдаги тадбиркорлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган рўйхат бўйича фаолият турларини амалга ошириши мумкин.

Оилавий тадбиркорлик субъекти томонидан бир нечта алоҳида объектларда тадбиркорлик фаолияти амалга оширилганда қатъий белгиланган солиқ ҳар бир алоҳида объект учун тўланади.

(8¹-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ-2099-сонли қарорига асосан киритилган — ЎР ҚХТ, 2013 й., 52-сон, 690-модда)

9. Хунармандчилик фаолияти хунарманд томонидан давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган йўналишлар бўйича амалга оширилади. Хунарманд хунармандчилик фаолиятини амалга оширишда буюмлар ёки товарлар (ишлар, хизматлар)ни тайёрлаш учун кўпи билан 5 нафар шогирдни жалб этишга ҳақлидир.

IV. 18 ёшгача бўлган шахсларнинг оилавий тадбиркорликда ҳамда хунармандчилик фаолиятида қатнашиши хусусиятлари

10. Оила аъзоси 15 ёшга тўлган тақдирда оилавий тадбиркорликда қатнашиши мумкин.

11. Шахс 16 ёшга тўлганда буюмлар ёки товарлар (ишлар, хизматлар)ни тайёрлаш учун хунарманднинг шогирди сифатида жалб этилиши мумкин. 15 ёшга тўлган шахс ота-онасидан биттасининг ёки унинг ўрнини босадиган шахснинг ёзма розилиги билан хунарманднинг шогирди сифатида жалб этилиши мумкин.

12. 18 ёшгача бўлган шахс оилавий тадбиркорликда, шунингдек хунарманднинг шогирди сифатида ишлашга у умумтаълим мактаби, касб-хунар коллежи ёки академик лицейда албатта ўқиши шарти билан қўйилади.

13. 18 ёшдан кичик шахсларнинг меҳнатидан оилавий тадбиркорликда ёки хунармандчилик фаолиятида уларнинг саломатлиги, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда фойдаланиш тақиқланади. Кўрсатиб ўтилган ишларда 18 ёшдан кичик шахсларнинг белгиланган нормалардан ортқча оғирликдаги юкларни кўтаришига ва ташишига йўл қўйилмайди.

14. Оилавий тадбиркорликда ёки хунармандчилик фаолиятида қатнашаётган 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахслар учун бир ҳафтада 36 соатлик, 15 ёшдан 16 ёшгача бўлган шахслар учун эса — бир ҳафтада 24 соатлик иш вақтидан ошмаслиги лозим.

(14-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июлдаги 225-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2012 й., 29-сон, 339-модда)

V. Оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш

15. Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантиришни мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан Савдо-саноат палатаси ҳамда тижорат банклари билан биргаликда қуйидаги йўналишларда тизимли чора-тадбирларни бажариш йўли билан амалга оширилади:

(15-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 июндаги 105-сон қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2010 й., 23-сон, 182-модда)

устахоналар учун хоналарни ижарага бериш, махсус жойларни ажратиш ва обод қилиш, ҳунармандлар ишлаб чиқарган буюмлар ва товарларни сотиш учун ихтисослаштирилган дўконлар ва шохобчаларни ташкил этиш;

ҳунармандчилик субъектларини маҳаллий хом ашё, материаллар, асбоблар ва кичик механизация воситалари билан таъминлашда, ҳунармандчилик буюмлари кўргазмаларини ўтказишда, ёшларни ҳунармандчилик кўникмаларига ўқитиш учун зарур шарт-шароитлар яратишда амалий ёрдам кўрсатиш;

устачиликни ўрганаётган шогирдларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан қонун ҳужжатларида белгиланган шакл ва тартиб бўйича «Усто-шогирд» стипендияси тўлаш;

оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик субъектларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда имтиёзли микрокредитлар ажратиш.

VI. Оилавий тадбиркорлик ҳамда ҳунармандчилик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

16. Оилавий тадбиркорлик субъектлари, шунингдек ҳунармандлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ижтимоий суғурта қилиниш ва иш даврларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат стажига ҳисоблаш;

амалга оширилаётган фаолият турига мувофиқ бўлган буюмлар ёки товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш, шунингдек уларни мустақил равишда ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқача тарзда сотиш;

амалга оширилаётган фаолиятдан олинган даромадни барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасарруф этиш;

ишлаб чиқарилаётган буюмлар ёки товарлар (хизматлар, ишлар)га мустақил равишда нарх белгилаш;

ишлаб чиқарилган буюмлар ёки товарлар (ишлар, хизматлар)ни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда идентификациялаш;

қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

17. Оилавий тадбиркорлик субъектлари, шунингдек ҳунармандлар қуйидагиларга мажбур:

ишлаб чиқарилаётган буюмлар ёки товарлар (ишлар, хизматлар)нинг лозим даражада сифатли бўлишини таъминлаш;

буюмлар ёки товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқаришда бевосита қатнашиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган хавфсизлик техникасини ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва нормаларини, шунингдек 18 ёшгача бўлган шахслар ишини тартибга солувчи меҳнат қонунчилиги нормаларини таъминлаш;

ўқувчиларга тегишли мукофотлар тўлаш;

(17-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июлдаги 225-сонли қарорига асосан бешинчи хатбоши билан тўлдирилган — ЎР ҚХТ, 2012 й., 29-сон, 339-модда)

Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига (кейинги ўринларда Пенсия жамғармаси деб аталади) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, шу жумладан суғурта бадалларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлаш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

18. Шогирд қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўқитиш «Усто-шогирд» усули бўйича амалга оширилган тақдирда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан стипендия олиш;

Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган тақдирда пенсия билан таъминланиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

19. Шогирд қуйидагиларга мажбур:

агар у қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат таълимининг тўлиқ курсини тугалламаган бўлса, умумтаълим мактаби, касб-ҳунар коллежи ёки академик лицейда ўқиш;

амалга оширилаётган ҳунармандчилик фаолиятига ўқиш доирасида ҳунарманднинг кўрсатмаларини бажариш;

хавфсизлик техникаси ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва нормаларига риоя этиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

VII. Оилавий тадбиркорлик субъектлари ва ёрдам берувчи оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар

20. Оилавий тадбиркорлик субъектлари ва ёрдам берувчи оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар оилавий муносабатларда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлик принциплари, ўзаро ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам ва оила олдида унинг барча аъзоларининг масъулият ҳисси, боланинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бола меҳнатининг энг ёмон ва мажбурий шаклларига йўл қўймаслик, оила аъзолари томонидан ўз ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга оширилишини ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоясини таъминлаш асосида қурилади.

VIII. Ҳунарманд ва шогирдлар ўртасидаги муносабатлар

21. Ҳунарманд ва шогирдлар ўртасидаги муносабатлар ўзаро аҳдлашув, ихтиёрийлик, меҳнатга мажбур қилишга йўл қўймаслик ва ижтимоий адолат, иш муомаласи одатларига, шунингдек маҳаллий одатларга ва анъаналарга риоя қилиш асосида қурилади.

22. Ҳунарманднинг шогирдларига иш ҳақи тўлаш миқдори ҳунарманд томонидан ўзаро келишув бўйича, уларнинг буюмлар ёки товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқаришдаги меҳнат улушидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

23. Ҳунарманднинг шогирди томонидан ишлаб чиқарилган буюмлар ёки товарлар (ишлар, хизматлар) сифатини назорат қилиш ҳунарманд томонидан амалга оширилади.

24. Ҳунарманд ўз мажбуриятлари бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулкый жавобгар бўлади.

IX. Яқуний қоида

25. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби
тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Ҳунармандчилик фаолиятининг асосий йўналишлари, ҳунармандлар томонидан
ишлаб чиқариладиган буюмлар ва товарлар (ишлар, хизматлар) турлари
РЎЙХАТИ**

(алфавит тартибида)

Ҳунармандчилик фаолиятининг йўналиши	Буюмлар ва товарлар (ишлар, хизматлар)нинг асосий турлари
Гулли композициялар аранжировкаси	сунъий ва натурал материалдан икебанлар, гулдасталар, бўйи 70 сантиметргача бўлган етилган манзарали дарактларни ўстириш (бонсай санъати)
Витраж ишлари	шиша, смальта ва бошқа материаллардан тайёрланган витражлар
Ганч ўймакорлиги (ганчга ўйма нақш солиш)	люстралар, девор шамдонлари, кўзгулар, нақшлар, сталактитлар, фризлар, карнизлар, устунлар элементлари, панжаралар, ҳайкалчалар, панно, шип ва девор нақшлари ҳамда асослари, ганчдан тайёрланган архитектура- қурилиш элементлари, ганч техникаси воситасида бажарилган бошқа манзарали — амалий буюмлар
Кулолчилик ишлари	лойдан ясалган ошхона ва уй-рўзғор предметлари, ўйинчоқлар ва сувенирлар
Наққошлик ишлари	металл, пластмасса, керамика, чинни, тош, картондан тайёрланган буюмларга қўлда нақш солиш (рельефли ёзувлар ва тасвирлар)
Ёғоч меъморчилиги	болалар майдончалари ва парк зоналари учун ёғочдан ясалган қурилмалар, ҳайкаллар
Мебелларни безаш	мебелларни газлама материаллар билан қўлда безаш
Тунука ишлари	тунукадан тайёрланган нақшли қувурлар ва сув ўтказгичлар, ошхона ва уй-рўзғор буюмлари, сувенирлар
Зардўзлик ишлари	зар ҳошияли техника воситасида (металли ипларни қўллаган ҳолда) тайёрланган буюмлар
Авторлик мебеллари тайёрлаш	декоратив-амалий санъат буюмларига тааллуқли бўлган мебеллар (комплектлар ва алоҳида буюмлар)
Авторлик кийим-бошлар ва пойафзаллар тайёрлаш	ишларнинг бутун комплексини бажарган ҳолда кийим- бошлар ва пойабзаллар, махсилар ва ковушлар, брезент, кирза ва кигиз этиклар, сандалетлар, шлепанцлар ҳамда туфлиларни қўлда яқка тартибда тикиш
Бош кийимлар тайёрлаш	дўппилар, шапкалар, саллалар, шунингдек мўйна, қорақўл, чарм ва қўлда тўкилган материаллардан тайёрланган бошқа бош кийимлар
Сопол, чинни, фарфор буюмлар тайёрлаш	сопол, чинни ва фарфордан тайёрланган декоратив- амалий санъатнинг барча турлари, сопол, чинни ва фарфордан тайёрланган архитектура-манзара элементлари, сопол, чинни ва фарфор буюмларни орнамент ва трафарет билан безаклаш
Ёғочдан халқ ҳунармандчилиги	ёғоч ва фанердан тайёрланган ошхона буюмлари, ўйма нақшли буюмлар, бешиклар, болалар юритгичлари

буюмларини тайёрлаш	(уларга буюмлар), хонтахта, сандиқ, эшиклар, ромлар, декоратив рейкалар, картиналар учун ромлар, ёғочдан ишланган фигурали токарлик буюмлари (шахмат фигуралари ва бошқалар), қўлда ишланган бошқа ёғоч буюмлар
Бўёқли миниатюралар, расмлар, орнаментли ва эмалли безаклар тайёрлаш	лок миниатюраси техникаси воситасида тайёрланган буюмлар (кутичалар, картиналар), девор, қоғоз, холст, тери, газлама, папье-маше, ёғоч, қовок, картон, суяк ва эмалдаги расмлар ва орнаментлар
Муסיқа асбоблари тайёрлаш	фабрикадан ташқари шароитларда тайёрланадиган миллий муסיқа асбобларининг барча турлари
Халқ ўйинчоқлари тайёрлаш	фабрикадан ташқари шароитларда ёғоч, металл, гипс, картон, газлама, сопол ва бошқа материаллардан тайёрланган ўйинчоқлар
Миллий ширинликлар, нон-булка маҳсулотлари ва донали овқатларнинг айрим турларини тайёрлаш	Миллий қанд-шакар (новвот), донали қандолатчилик буюмлари, миллий нонлар ва бошқа нон-булка маҳсулотлари пишириш, миллий пишлоқ маҳсулотлари ва қурт ишлаб чиқариш
Чармдан утилитар ва бадиий буюмлар тайёрлаш	эгар-жабдуқлар ва уларга аксессуарлар, камар, белбоғ, сумкалар ва уларга аксессуарлар, натурал ва сунъий чармдан тайёрланган миллий нимчалар, чарм сувенирлар
Печка ва каминлар ясаш	тандирлар, печкалар, каминлар (шу жумладан улар учун ҳаво сўриш қурилмалари)
Тўр тўқиш, тикувчилик ва кашта тикиш	кашталар ва тўқима буюмлар ҳамда қўлда тайёрланган кийим-бошларга деталлар (кашталар машинада бажарилиши мумкин)
Темирчилик ишлари	кетмонлар, чопкилар, хаскашлар, паншахалар, плуглар, миллий қиличлар, ханжарлар ва пичоқларнинг барча турлари (хунармандчилик фаолияти шароитларида тайёрлашга рухсат берилмаганлардан ташқари), кам микдорда тайёрланадиган темирчилик буюмлари
Новдалардан буюмлар тўқиш	ўсимлик материалларидан (қамиш, тол, похол, турли дарахтларнинг шох-шаббаларидан) тайёрланган тўқима буюмлар
Металлни таъмирлаш ишлари	уй шароитида металдан тайёрланган маиший буюмларни таъмирлаш (калитларнинг дубликатларини тайёрлаш, соябонларни таъмирлаш, бошқа маиший металл буюмларни оддий таъмирлаш)
Мозаика ишлари	девор ва шип мозаикалари, табиий ва сунъий материалдан мозаика паннолари тайёрлаш
Гулли ва чокли тикишлар	турли газламалардан набойка техникасида тайёрланган буюмлар, «батик», миллий кийим-бошлар (халатлар, яктаклар, нимчалар), дўппилар, миллий одеяллар ва кўрпачалар, ёстиқлар, белбоғлар, тасмалар ва бошқалар
Муқовалаш ишлари	китобларнинг муқоваларини тайёрлаш ва таъмирлаш, қоғоз варақларини муқовалаш ва тикиш
Дурадгорлик ишлари	аҳоли буюртмалари бўйича дурадгорлик ишларини амалга ошириш
Ўйиш ишлари	кўзгулар ва кўзгу сиртлари тайёрлаш

Ёғочга ўйма нақш солиш ишлари	техника воситасида ёғочга ўйма нақшлар солиб бажариладиган декоратив-амалий санъатнинг барча турлари
Суякка ўйма нақш солиш	сувенир буюмлари, кичик пластикалар, нецке, қутичалар, қилич, ханжар ва пичоқлар учун соплар, инкрустацияни қўллаган ҳолда суякдан тайёрланган ва бошқа декоратив-амалий буюмлар
Тошга ўйма нақш солиш	тошдан тайёрланган сувенир буюмлар, кичик пластикалар, қутичалар, ёзув приборлари, шамдонлар, паннолар, рельефлар ва контррельефлар, барельефлар, геральдика ва рамзлар, тошни пардозлаш йўли билан тайёрланган безаклар ва бошқа декоратив-амалий буюмлар
Интерьернинг антиквар предметларини реставрация қилиш	антиквар предметларни таъмирлаш ва бошқа реставрация ишлари, катта маданий-тарихий аҳамиятга эга бўлган антиквар предметлардан ташқари
Газламаларга безак тикиш	газламалар ва кийим-бош предметларини қўлда бўйлаб, газламаларга, шу жумладан трафарет босиш ва қўлда расм чизиш йўли билан расмлар чизиш
Қўлда гилам тўқиш	гиламлар ва гиламчалар, полослар, хуржунлар, кигиз буюмлари, шолчалар, жойнамозлар, ўтовлар, жулдан тайёрланган буюмлар
Қўлда тўқиш ишлари	натурал ипакдан, ип-газлама, жун ва синтетик иплардан қўлда тўқилган атлас, бекасам, адрас, салла, газламалар
Шиша пуфлаш ишлари	бадий пуфлаш усулида воситасида тайёрланган кичик пластика, девор чироқчалари, сувенир буюмлар, безаклар
Бадий усулда қуйиш	натурал ва синтетик материаллардан тайёрланган ҳажмли ва фигурали шаклдаги қуйма буюмлар, шунингдек косиблик усулида (мураккаб машина ва механизмларни қўлламасдан) мис, бронза, чўян, алюминий ва пўлатдан қуйиш йўли билан тайёрланган буюмлар
Соат ишлари (соатларни таъмирлаш)	соат механизмларини таъмирлаш ва тозалаш, эксклюзив девор, полга қўйиладиган, камин ва қўл соатларини тайёрлаш
Ўйиш ишлари	ўйиш усулида тайёрланган мис, латун, алюминий буюмлар (чойнақлар, қумғонлар, лаганлар, вазалар ва утилитар ҳамда декоратив-амалий мақсаддаги бошқа буюмлар)
Эмаллаш ишлари	эмал қопламали буюмларни тайёрлаш, эмал қопламаларини таъмирлаш ва тиклаш
Заргарлик ишлари	пробага эга бўлган ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда тамғаланиши керак бўлган, миллий усулда тайёрланган олтин, қумуш, платина ва платина гуруҳига мансуб металллардан тайёрланган буюмлар